

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

2/2018

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
*Козимджан КАМИЛОВ*  
*Баходир ДЕХҚАНОВ*  
*Холмўмин ЁДГОРОВ*  
*Бахтиёр ИСАКОВ*  
*Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ*  
*Ибрагим АЛИМОВ*  
*Нематжон АКБАРОВ*  
*Шахноза АХАТОВА*  
*Олим ХАЛМИРЗАЕВ*  
*Омонбой ОҚЮЛОВ*  
*Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*  
*Азиз МИРЗАЕВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этилаётган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

**Бош муҳаррир**  
*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

**Масъул котиб**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

*Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.*

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпонота  
кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк»  
Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** Os\_odilsudlov@mail.ru

**Email:** Jurnal@exat.uz

Босишга 2018 йил 21 февралда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьюттерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — Нашр адади 6350 нусха.

**ИНДЕКС:**  
**Якка тартибдаги обуначилар**  
**учун — 908;**  
**ташкilotлар учун — 909.**

*Босмаҳона манзили:*  
*Ғафур Ғулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи. 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй*

**ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони...3

**ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.....15

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....26

**ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ.....32**

**2018 ЙИЛ — «ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»**

**Н. Саид-газиева.** Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш – давр талаби.....38

**СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ**

**Н. Хаттабов.** Маъмурий қонунчилик такомиллашувидаги янги босқич.....41

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН**

**А. Ҳомидов.** Транспорт соҳасидаги жиноятлар.....44

**ЭКОЛОГИЯ ВА ҲУҚУҚ**

**Ж. Суванқулов.** Экологик назоратни амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки.....50

**АДАБИЁТ — МАЪНАВИЯТ АСОСИ**

**С. Олимов.** Адл ила олам юзин обод қил.....55

**М. Ҳошимов.** Яхшилик.....59

**ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ.....63**

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....118**



## ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ*

### **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муддатли истикболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор **«Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун»** деган тамойил ва **«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»** деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари**, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

**Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси** давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш, «Электрон ҳукумат» ва давлат

---

*Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 23 январда эълон қилинган.*

хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

**Суд-ҳуқуқ тизимида** судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан, хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

**Иқтисодий соҳада** кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда — узоқ муддатли (10 — 15 йилга мўлжалланган) тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда — тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда — ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

**Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар**, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиғини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий тураржой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Тураржой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

**Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар** кўрилганлиги натижасида кўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё ҳудудида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

Фақат ўтган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

**Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхшиланишига тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди.**

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида** — давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг мустақиллигини ошириш, марказий органларнинг айрим ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати

ва тезкорлигини тубдан ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

**қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида** — фуқаролар шахсий ҳаёти дахлсизлигининг конституциявий кафолатларини, шу жумладан, тинтув ва телефон орқали сўзлашувларни эшитиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича комиссияни ташкил этиш орқали янада мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, вақтинча сақлаш, тергов хибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларини мобиль видеокамералар билан таъминлаш, патруль хизматининг стационар постлари сонини оптималлаштириш;

**иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида** — фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш;

**ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида** — ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлигини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, «истеъмом саватчаси»ни аниқлаш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

**хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида** — Ўзбекистон Республикасининг янги Миллий хавфсизлик концепциясини қабул қилиш, хорижий шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини такомиллаштириш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, хорижда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни давом эттириш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш.

**2. Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишга**



**икки йил муддатга мораторий эълон қилинсин**, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно.

Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши давлат солиқ хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилади;

адлия органларининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чел эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир-бирини такрорловчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланади;

жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда текшириш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкин;

тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини кўзгатиш фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича қўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимига киритилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан, инновацион лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни кредитлаш учун тижорат банкларига давлат кафолатларини беришни ҳам назарда тутувчи «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва «Фан тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг ташқи бозорларга чиқишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, энергия тежамкор технологияларни фаол жорий этишни назарда тутиб, қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларни барта-

раф этиш бўйича қўрилган чоралар ҳақидаги зарур ахборотларни доимий кири-тиб боришни назарда тутувчи махсус электрон ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонунбузилишлар ҳақидаги маълумотларни текшириш тартибини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, қонунчилик нормаларини етказиш ва тушунтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципи сўзсиз амалга оширилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти соҳасида, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинади:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида белгиланган муддатларда:



Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари — «Халқ қабулхоналари» замонавий биноларининг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ қурилиши ва жиҳозланишини таъминласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда электрон навбат ва давлат хизматини кўрсатишнинг боришини масофадан видеокузатиш тизимларини жорий этиш, олис аҳоли пунктларида мобиль давлат хизматлари марказларини ташкил қилиш, шунингдек, мобиль алоқа воситалари орқали давлат хизматлари кўрсатишни таъминласин.

10. Вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақим, шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинсин.

11. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда тақдим этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминласин.

12. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар:

энг аввало, замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион ғоялар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга;

худудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши ва аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга қўмаклашувчи фан ва инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга;

илғор фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли ходимлар ҳамда фуқароларни ҳар томонлама амалий қўллаб-қувватлашга;

**«Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт»** деган қонидани рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Инновацион ривожлантириш вазирлиги «Тараққиёт стратегияси» маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тизимли мониторинг қилинишини ҳамда у ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун қўшимча чора-

тадбирларни кўриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишини;

Давлат дастури амалга оширилиши ҳақидаги маълумотларнинг ҳар ой умумлаштирилишини ҳамда унинг яқунлари аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришлар кўрсатилган ҳолда ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилишини; мониторинг натижалари ҳақида ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг яқунларига бағишланган ахборот-таҳлилий обзорларнинг чет тилларда тайёрланиши, нашр этилиши ва кенг тарқатилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ўзаро яқин ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши ҳақидаги холис, тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ушбу Фармоннинг мазмун ва моҳиятини, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга қаратилган зарур маълумотларнинг халқаро жамоатчиликка тизимли етказилишини;

Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларига илғор хорижий тажрибани ўрганишда ҳар томонлама қўмаклашишни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2018 йил 22 январь*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармониغا  
ШАРҲ**

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида кенг қўламли ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди.

«Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу ғоялар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга татбиқ этишнинг асосини ташкил қилди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташқи сиёсат юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий таҳлили жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ва ишлар аҳволини тубдан яхшилашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг 2017 йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратди, уларни ҳал этишнинг аниқ йўллари таклиф қилди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 10 — 20 январь кунлари аҳоли ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш давомида фуқаролардан 4,4 мингта таклиф ва шарҳ келиб тушди, улардан Давлат дастурини такомиллаштиришда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январь куни қабул қилинган Фармони билан Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва уни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди.

Фуқаролардан келиб тушган таклифларнинг аксариятида кўрсатилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида ҳуқуқий нормалар бевосита Фармоннинг ўзида кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижросини дарҳол таъминлаш шарт экани белгиланди.

Фармон билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Эндиликда Фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига вақт ва ресурс сарф-

**ламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга оширишлари мумкин.**

Яна бир муҳим янгилик — вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд тураржойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақиб бекор қилинади. Ушбу норма фуқароларга мамлакатимизнинг исталган ҳудудида, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлашишда ҳеч қандай чекловларсиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Истикболли кадрлар қаерда доимий ёки вақтинча прописка қилингани, тураржойи бўйича ҳисобда турганидан қатъи назар, пойтахт минтақасида меҳнат қила оладилар.

Ўз навбатида, иш берувчилар вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд тураржойи бўйича ҳисобдан ўтмаган фуқароларни ишга олганликлари учун жавобгарликдан озод этилади.

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат. Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, «Давлат хизмати тўғрисида», «Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида», «Фан тўғрисида», «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

**Давлат дастурининг биринчи бўлими давлат ва жамият қурилиши тизimini такомиллаштиришга бағишланган.**

Шубҳасиз, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу боладаги муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат идораларида хизматни ҳақиқатан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизим шакллантиради, юклатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади. Эндиликда **ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимга муносиб эканини ҳар кун ишботлаши шарт.**

**Давлат функциялари ва ваколатларининг амалдаги марказлашган тизимига барҳам берилади.** Биринчидан, ҳукуматнинг алоҳида функциялари, айниқса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги вазифалари вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказилади. Иккинчидан, тегишли ҳудудда давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун масъул мансабдор шахслар сифатида барча даражадаги ҳокимларнинг ваколатлари кенгайтирилади ва мавқеи мустаҳкамланади.

Бундан пировард мақсад — ҳокимлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишни амалда таъминлаш имконини берадиган реал ваколатларга эга бўлишига эришиш.

Фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида **электрон жамоавий мурожаат қилиш** — **петиция** йўллаш тизими жорий қилинади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади.

Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли му-

аммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали «Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади», деган тамойил амалда рўёбга чиқарилади.

**Давлат дастурининг навбатдаги муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдир.**

2018 — 2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни либераллаштириш, процессуал нормаларни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш учун тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция бериш ваколати судга ўтказилади.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тергов изоляторлари ва жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматларини улар фуқаролар билан муомала қилаётганда фойдаланиладиган видео-фиксаторлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бу нафақат фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, балки тинчлигимиз посбонлари томонидан ўз вазифасини суиистеъ-мол қилиши ҳолатларининг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Давлат дастурида прописка ва паспорт тизимини соддалаштиришга доир чоратadbирлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискиси бўлмаган фуқаролар иккиламчи бозорда кўчмас мулк харид қилиш имкониятига эга бўлади.

**Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодий ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган.**

Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, «смарт» технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилмоқда.

Венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар, шунингдек, иқтисодийга инновациялар ва янги технологиялар жорий этишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилади.

2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни жорий қилиш режалаштирилган. Давлат активларини **электрон савдо майдонлари** орқали сотиш тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Банклар ва банк фаолиятига доир қонунчилик тубдан қайта кўриб чиқилиб, соҳада «рақамли банкинг», «интернет-банкнинг» ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ этилади.

Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Давлат дастурининг кейинги бўлими ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган.**

Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича «истеъмом саватчаси»га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Худудлар кесимида «истеъмом саватчаси»ни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимида босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасига «**ақлли тиббиёт**» тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган **2 мингта ижтимоий дорихона** ташкил этиш режалаштирилган.

Аҳоли, айниқса, ёш oilаларнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2018 йилда бундай уйлارни қуриш ҳажми **1,5-2 баробар** оширилади. Бу мақсадлар учун **5 триллион 286 миллиард сўм** маблағ йўналтирилади.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш учун чекка худудларда **2000 километр оптик толали алоқа линиялари** тортиш, интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ва **4 мингдан зиёд мобиль алоқа таянч станцияларини** ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

**Давлат дастурининг бешинчи йўналиши — хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш.**

Хусусан, хорижда яшаётган ва ишлаётган юртдошларимиз билан ҳамкорлик қилиш бўйича давлат сиёсати концепцияси ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

**Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, бундай фуқароларни соғлом муҳитга қайтариш тизимини** такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Диний маърифат тизими қайта кўриб чиқилиб, бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги кучайтирилади.

Мухтасар айтганда, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.





## ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ*

### СУҒУРТА СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ НОРМАЛАРИНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*2017 йил 29 ноябрь*

*№ 45*

*Тошкент шаҳри*

Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини судлар томонидан бир хилда ва тўғри қўллаш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда судлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида», «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида» ва «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, шунингдек суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиши керак.

2. ФКнинг 914-моддасига мувофиқ суғурта фуқаро ёки юридик шахснинг (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулккий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Мулккий суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи суғурта ходисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчига (наф олувчига) бу ходиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурта қилдирувчининг бошқа мулккий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма доирасида тўлаш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта эса суғурталовчининг суғурта қилдирувчининг (суғурталанган

шахснинг) ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган тақдирда, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа суғурта ҳодисаси юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган суғурта пулини бир йўла тўлаш ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини назарда тутади.

ФКнинг 927-моддаси суғурта шартномасининг шаклига нисбатан талабни ўз ичига олган бўлиб, унга асосан бундай шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи томонидан имзоланган ва суғурта шартномаси шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин.

Суғурта шартномасининг шаклига нисбатан белгиланган талабга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

2.1. Судлар суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда шунини инобатга олиши керакки, суғурта шартномасининг суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган суғуртанинг стандарт қоидалари асосида тузилган қисмига нисбатан қўшилиш шартномаси ҳақидаги ФКнинг 360-моддаси қоидалари қўлланиши лозим.

2.2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суғурта шартномаси суғурталовчи томонидан имзоланган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилганида, суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.

3. Суғурта пули миқдори ФК 929-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган суғурта шартномасининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Суғурта пули тарафларнинг суғурта шартномасидаги келишувига асосан аниқланади ва ФК 934-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурталашда ушбу миқдор, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, унинг асл нархидан (суғурта нархидан) ошиб кетмаслиги лозим.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФК 938-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта қийматидан ортиқ бўлган суғурта пули қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади. Бундай ҳолатда суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмайди.

4. ФК 931-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи бундай шартномани тузиш вақтида ўзига маълум бўлган суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли етказилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар деганда, суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган хавфни ўзига қабул қилган суғурталовчи томонидан баҳолаш учун аҳамиятли ҳолатлар деб тушуниш лозим.

5. ФКнинг 932-моддасига асосан мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурат бўлганда эса унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида баҳолашдан ўтказишни ташкил этишга, шахсий суғурта шартномаси тузилаётганида эса, суғурта қилинаётган шахс соғлиғининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширишга ҳақли.

ФК 935-моддасининг иккинчи қисмига кўра, мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати миқдори ҳақида тарафлар ўртасида келишувга эришилган бўлса, унинг устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас.

Шу билан бирга, агар шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан бу қиймат борасида била туриб чалғитилган бўлса, мол-мулкнинг суғурта қиймати миқдори устида низолашиш мумкин.

6. Судлар шуни назарда тутиши керакки, агар суғурта қилдирувчида (наф олувчида) суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида келиб чиққан зарар миқдори суғурта шартномасида белгиланган зарар миқдоридан ошмаса ёки кам бўлса, ихтиёрий мулкӣ суғурта шартномасининг шартларида суғурта товонини тўлашни истисно қилувчи қоида белгилаб қўйилиши мумкин (франшиза). Франшиза муайян фоиз ёки аниқ миқдорда белгиланиши мумкин.

7. ФКнинг 947-моддасига кўра, суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтдан кучга киради ва унинг шартлари, агар шартномада суғурта амал қилиши бошланшининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

8. ФК 942-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги суғурта бадалларини белгиланган муддатларда тўламаслик оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Бундай оқибатлар сифатида суғурта шартномаси, хусусан, навбатдаги суғурта бадаллари тўланмаганда суғурталовчининг суғурта шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ёки мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқини ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳолатда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўланган суғурта бадали қайтарилмайди.

8.1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, шартномада навбатдаги суғурта бадаллари тўланмаганлиги муносабати билан шартноманинг бекор қилиниши

ҳақидаги шартнинг мавжудлиги, агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчини суғурта шартномасини бажариш мажбуриятидан озод қилмайди. Бундай ҳолатда суғурталовчи мулкӣ суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

8.2. Агар суғурта шартномасида навбатдаги суғурта бадалини тўламаганлик учун суғурталовчининг суғурта шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлса ва бундай ҳолат юз берганда суғурталовчи ушбу ҳуқуқдан фойдаланмаганда, у суғурта товонини тўлашни рад этиши мумкин эмас, лекин мулкӣ суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

8.3. Навбатдаги суғурта бадалини тўламаганлиги сабабли суғурта шартномасидаги мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга хоҳишини билдирмаган суғурталовчи шартноманинг амал қилиши муддати давомида суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши кечиктирилган навбатдаги суғурта бадалини ундириш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ушбу банднинг биринчи хатбошида белгиланган қоида, агар суғурта шартномасининг шартлари билан суғурта мукофоти бир йўла тўланиши белгиланган бўлса ёки суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлашда дастлабки бадални тўлаш амалга оширилмаган бўлса, татбиқ этилмайди.

9. ФКнинг 917-моддасига кўра, мол-мулкнинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилинадиган мол-мулк деганда, сақланишига қонуний манфаатдорлик мавжуд бўлган, яъни содир бўлишида эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлган ҳодиса юз бериши натижасида (тўлиқ ёки қисман) йўқотилиши ёхуд зарар етказилиши мумкин бўлган ва ҳодиса юз бериши билан етказилган зиён тўғридан-тўғри пул кўринишида баҳоланадиган ФКнинг 81-моддасида кўрсатилган фуқаролик ҳуқуқларининг объеклари тушунилади.

Мулкни суғурта қилишда қонун ёки битим асосида суғурта қилдирувчига (наф олувчига) тегишли мол-мулкнинг йўқолиши (нобуд бўлиши), камайиши ёки зарарланиши хавфи билан боғлиқ мулкӣ манфаатдорлик суғурта объекти бўлади.

Агар ФК 917-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ суғурталовчи томонидан суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчида (наф олувчида) манфаат бўлмаганлиги сабабли мол-мулкни суғурта қилиш шартномасини ҳақиқӣ эмас деб топиш тўғрисида арз қилинганда, фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс

манфаатдор бўлмаганлигини исботлаш мажбурияти суғурталовчи зиммасига юклатилади.

10. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномасини тузишда, гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мулкнинг қийматидан ўз манфаатлари қаноатлантирилиши муносабати билан гаровга олувчи ФКнинг 917-моддасига мувофиқ ўзи учун мол-мулкнинг сақланишидан ва унинг сақланиши таъминланишидан манфаатдор бўлиши лозим. Бундай ҳолатда гаровга олувчи суғурта шартномаси бўйича наф олувчи ҳисобланади.

11. Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси деганда, шартномада назарда тутилган ва унинг содир бўлиши натижасида суғурталовчининг суғурта товонини тўлаб бериш мажбурияти вужудга келадиган воқеа тушунилади.

Суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа зарар етказилиши ва юзага келган воқеа билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш фактини ўз ичига олади ҳамда суғурталаш амалга оширилган воқеанинг юз бериши натижасида зарар етказилиши (суғурталанган мулкнинг зарарланиши ёки камайиши, унинг йўқолиши ёхуд нобуд бўлиши ва бошқалар) билан юзага келган деб ҳисобланади.

11.1. Суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа шартнома амалда бўлган даврда содир бўлса-да, етказилган зарар шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг аниқланса, фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс (суғурта қилдирувчи, наф олувчи), агар зарар шартнома амалда бўлган даврда етказилган ёки етказилиши бошланган бўлса, суғурта товонини талаб қилишга ҳақли. Ушбу ҳолатда зарар суғурта шартномаси амалда бўлган даврда етказилгани ёки етказилиши бошланганлигини исботлаш мажбурияти суғурта қилдирувчи (наф олувчи) зиммасига юклатилади.

Агар иш ҳолатларига кўра зарар келиб чиқишининг аниқ даврини аниқлашнинг имкони бўлмаса, зарар аниқланган пайтда етказилган ҳисобланади.

11.2. Суғурта ҳодисаси келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли суғурта қилинган воқеа шартнома амалда бўлган даврда юз берган бўлса-да, зарар етказилиши унинг амал қилиш даври тугагандан кейин бошланган бўлса, суғурта ҳодисаси содир бўлган ҳисобланади ва суғурталовчи, суғурта қилдирувчи томонидан ФКнинг 951-моддасида белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда суғурта товонини тўлашга мажбур бўлади.

11.3. Суғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган ва олдиндан тахмин қилинган ҳамда у келиб чиқиши мумкинлиги сабабли суғурта қилинган воқеа эҳтимоллик ва тасодифийлик белгиларига эга бўлиши лозим. Бунда воқеа суғурта шартномасини тузиш пайтида шартнома иштирокчилари унинг содир бўлишини билмаган ва содир бўлиши ёхуд содир бўлмаслигини билиши мумкин ҳам бўлмаган тақдирда тасодифий деб тан олинади.

12. ФКнинг 951-моддасида суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида мулкий суғурта шартномасида белгиланган муддат ва усулда суғурталовчини хабардор қилиш мажбурияти белгиланган.

Судлар шуни инобатга олиши керакки, суғурта қилдирувчи зиммасига фақатгина суғурта ходисаси ҳақида муайян вақт ва усулда хабар бериш мажбурияти юкланади. Қонун билан суғурта қилдирувчига (наф олувчига) ушбу хабарнома билан бир вақтда суғурта тўловини олиш учун лозим бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим қилиш мажбурияти юкланмаган.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) томонидан суғурта ходисаси юз берганлиги ҳақида шартномада белгиланган муддатда ва усулда суғурталовчини хабардор қилиш мажбуриятининг бажарилмаслиги суғурталовчига суғурта товонини тўлаб беришни рад этиш ҳуқуқини беради. Бунда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ходисаси юз берганлиги ҳақида суғурталовчи ўз вақтида билганлигини ёхуд суғурталовчида бундай маълумот мавжуд эмаслиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир қилмаслигини, яъни бундай маълумотларнинг мавжуд эмаслиги унинг (суғурталовчининг) суғурта ходисасининг ҳақиқатда содир бўлганлиги ва етказилган зарар миқдорини аниқлаш имкониятига таъсир қилмаслиги ҳақидаги далилларни тақдим қилиб, суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этганлиги юзасидан низолашиш имкониятига эга.

Судлар шуни инобатга олиши керакки, шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ходисаси юз бергани ҳақида қонунда белгиланган муддатда ва усулда тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда суғурталовчини хабардор қилиши лозим.

13. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти суғурта шартномасидан келиб чиқади ва суғурта ходисаси натижасида келиб чиққан зарарлар учун жавобгарлик ҳисобланмайди. Суғурта шартномаси кучга кирганидан сўнг суғурта ходисаси юз берган тақдирда, суғурталовчида шартномада ва суғурталаш қоидаларида кўрсатилган тартиб, шартлар ва муддатда муайян пул суммасини тўлаб бериш мажбурияти юзага келади.

13.1. Агар мажбурият унинг бажарилиши лозим бўлган кун ёки даврни ёхуд мажбуриятни бажариш даврини аниқлаш имкониятини назарда тутса ёки йўл қўйса, мажбурият ушбу кунда ёки даврнинг ҳар қандай пайтида бажарилиши лозим. Ушбу асосда ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этган, тўлиқ ҳажмда тўламаган пайтдан ёхуд қонунда ёки суғурта шартномасида белгиланган суғурта товонини тўлаш муддати тугаган пайтдан бошлаб ҳисобланиши лозим.

13.2. Агар ихтиёрий мулкӣ суғурта шартномасини тузишда суғурта қилдирувчига суғурта ходисаси юз бериши натижасида етказилган зарарларни (суғурталанган мол-мулкнинг эскиришини ҳисобга олган ёки ҳисобга олмасдан) ҳисоблаш усуллари танлаш ҳуқуқи берилган бўлса, судлар суғурта товонининг миқдори ҳақидаги низони ҳал қилишда шартноманинг тарафлар томонидан келишилган шартларидан келиб чиқиши керак.

13.3. Суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида кредит шартномаси бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи ва наф олувчи фойдасига тўлаб берилиши керак бўлган суғурта товони миқдори юзасидан низо келиб чиқса,



суғурталовчи томонидан тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдори суғурта шартномаси шартларига мувофиқ аниқланади.

13.4. Суғурта ходисаси оқибатида мол-мулк нобуд бўлган, яъни у тўлиқ йўқолган ёки қайта тикланмайдиган тарзда шикастланган тақдирда, агар шартномада суғурта товонининг бошқа миқдори кўрсатилмаган бўлса, суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлиқ миқдорда тўлаб берилади.

13.5. Суғурта ходисаси натижасида суғурталанган мол-мулкка зарар етказилиб, у бутунлай йўқолмаган, лекин ундан дастлабки ҳолатдагидек фойдаланишнинг имкони бўлмаса, суғурта товони миқдори суғурта пули ва суғурталанган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ билан аниқланади. Бундай ҳолатда ФКнинг 958-моддасига биноан суғурта қилдирувчи суғурталовчининг розилиги билан суғурталанган мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқларини унга ўтказиши ва суғурта товонини суғурта пулининг тўлиқ ҳажмида олиши мумкин.

13.6. Товар қийматининг йўқолиши деганда, йўл-транспорт ходисаси сабабли транспорт воситаси кўринишининг (ташқи) ва фойдаланиш сифатининг ёмонлашиши, мустаҳкамлигининг камайиши, унинг алоҳида қисмлари, ускуна ва агрегатлари, боғловчи ва ҳимоя қопламаларининг муддатидан олдин ёмонлашиши ҳамда таъмирлашга олиб келиниши натижасида транспорт воситаси қийматининг камайиши тушунилади.

Товар қийматининг йўқолиши, транспорт воситасини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмларнинг қиймати билан бир қаторда ҳақиқий зарар ҳисобланади. Шу сабабли, агар томонлар суғурта суммаси қийматини белгилашда товарлик қийматининг йўқолишини ҳам назарда тутган бўлса, суғурта қилдирувчига уни тўлаб беришни рад этиш мумкин эмас.

13.7. Агар ихтиёрий суғурта шартномасида суғурталанган мол-мулкни тиклаш (таъмирлаш) суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, у томонидан тиклашни (таъмирлашни) амалга ошириш бўйича мажбурият шартномада белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, суғурта қилдирувчи тиклашни (таъмирлашни) амалга ошириш ҳақида учинчи шахсларга топшириқ беришга ёхуд уни ўз кучи билан амалга ошириш ва сарфланган харажатларни суғурта тўлови доирасида суғурталовчидан талаб қилишга ҳақли.

14. Суғурталанган мол-мулкни сотиб олиш учун пул маблағи қарз шартномаси асосида олинган ва суғурта шартномаси бўйича наф олувчи ҳисобланган кредитор суғурта товонини олиш ҳуқуқидан воз кечган ҳолларда, суғурта манфаати сақланганлиги сабабли бу ҳуқуқ суғурталовчи олдида ҳам, кредитор олдида ҳам ўз мажбуриятини виждонан бажарган суғурта қилдирувчига ўтади.

15. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФКнинг 955-моддасида белгиланган асосларга кўра суғурталовчи мулккий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчига (наф олувчига) суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни рад этиши мумкин.

15.1. ФК 955-моддасининг учинчи қисмида суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этганлиги юзасидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи)

нинг унга (суғурталовчига) нисбатан судга даъво бериш орқали низолашиш ҳукуки белгиланган.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) томонидан ушбу ҳукукдан фойдаланилганда даъво аризасидаги талаб тўлашни рад этишни ноқонуний деб топиш ҳақида эмас, балки суғурта товонини ёки суғурта пулини ундириш ҳақида бўлиши лозим. Бундай даъво бўйича ишларни кўришда судлар ФКнинг 955-моддасида назарда тутилган суғурта товонини тўлашни рад этиш учун асослар мавжудлигини аниқлаши керак.

15.2. Агар суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш ёхуд суғурта товони миқдорини камайтиришни суғурта қилдирувчи ёки наф олувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида суғурта ҳодисаси юз берганлиги билан асослаган бўлса, судлар шуни эътиборга олиши лозимки, бундай вазиятда суғурталовчини суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилиш фақат қонунда тўғридан-тўғри белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Қонунда белгиланмаган қўпол эҳтиётсизлик оқибатида суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш ҳукуки назарда тутилган суғурта шартномасининг шарти ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

15.3. Суғурталовчининг суғурта товони ёки суғурта пулини тўлашни рад этишининг ҳаққонийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда судлар нафақат ихтиёрий мулкӣ суғурта шартномасида кўрсатилган ҳужжатларни, балки суғурта ҳодисаси юз берганлигини, суғурта ҳодисаси натижасида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) томонидан кўрилган зарарнинг миқдорини тасдиқловчи шартномада кўрсатилмаган ҳужжатларни ҳам инобатга олиши лозим.

16. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, ФК 943-моддасининг биринчи қисмида суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган ҳолатлар қайд этиб ўтилган ва ушбу рўйхат тугал ҳисобланмайди, чунки суғурта шартномаси (ёки унинг қисми) ФК ва бошқа қонунларда кўрсатилган бошқа ҳолларда ҳам ҳақиқий бўлмаслиги мумкин.

Хусусан, ФКнинг 916, 917, 920 ва 957-моддалари, шунингдек бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ҳам суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

17. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суғурта шартномаси қонунда назарда тутилган асосларга кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли у ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин.

Хусусан, ФК 921-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

ФК 931-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида

суғурта қилдирувчи суғурталовчига била туриб ёлгон маълумот берганлиги аниқланса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ушбу Кодекс 123-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар қўлланилишини талаб қилишга ҳақли, суғурта қилдирувчи айтиб қўймаган ҳолатлар ўтиб кетган ҳоллар бундан мустасно.

ФК 938-моддасининг тўртинчи қисмига асосан, агар суғурта шартномасидаги суғурта пулини ошириб юбориш суғурта қилдирувчи томонидан алдашнинг оқибати бўлса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ўзига етказилган зарар унинг суғурта қилдирувчидан олган суғурта пули суммасидан ортик миқдорда қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Суғурталовчи номидан суғурта агенти ёки суғурталовчи томонидан берилган ишончномада кўрсатилган ваколатларни амалга оширувчи бошқа шахс томонидан ўз ваколати доирасидан четга чиққан ҳолда суғурта шартномасининг тузилганлиги, агар ушбу шартнома белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса, суғурталовчини суғурта товонини тўлашдан озод қилиш учун асос бўла олмайди.

Агар суғурта қилдирувчи суғурта шартномасини тузишда суғурта агенти ёки бошқа шахс суғурталовчи томонидан белгиланган чекловлар чегарасидан чиққанини билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган бўлса, битим суғурталовчининг талаби бўйича ФКнинг 126-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

18. ФКнинг 957-моддасига мувофиқ, агар мулкӣ суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади. Бироқ, шартноманинг била туриб зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтишини истисно қиладиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Судларга тушунтирилсинки, қонун ҳужжатларида талаб қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтиши учун талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақида алоҳида келишув тузилиши назарда тутилмаган. Ушбу ҳуқуқнинг ўтиши ФКнинг 957-моддаси ва суғурта шартномасининг ўзи асосида амалга оширилади.

19. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суғурта шартномаси асосида транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахс, транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ёки меҳнат шартномаси асосида фойдаланаётган ва у ушбу мол-мулкнинг сақланишидан манфаатдор бўлса, унга нисбатан автотранспорт воситасини ихтиёрий суғурта қилиш қоидалари суғурта қилдирувчидагига каби қўлланилади. Шунинг учун суғурталовчи ушбу шахсдан ФКнинг 957-моддасида белгиланган суброгация тартибида тўланган пулларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

20. Контрагентлар томонидан экспорт шартномаларининг бажарилмаганлиги сабабли зарар суммаларини ундириш ҳақидаги суғурталовчи ҳамда суғурта қилдирувчи ўртасидаги низолар бўйича ишларни кўришда судлар Ўзбекистон Рес-

публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги 167-сонли қарори билан тасдиқланган Сармоя, товарлар ва хизматларни экспорт қилувчиларга суғурта қопламаси бериш тартибининг нормаларини ҳам қўллаши лозим.

Мазкур Тартибнинг 3-бандига мувофиқ тижорат таваккалчиликлари (экспорт шартномаларининг суғуртаси доирасида) - хорижий ҳамкорнинг молиявий-иқтисодий аҳволи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда унинг исбот қилинган тўловга қодир эмаслиги ёки банкротлиги билан ва контракт бўйича унинг томонидан қабул қилинган молиявий мажбуриятлар бажарилиши мумкин эмаслиги билан ифодаланади.

Ушбу нормадан келиб чиқадики, суғурта қилдирувчилар томонидан суғурта ташкилоти (суғурталовчи)дан зарар суммасини ундириш талаби билдирилганда, экспорт шартномаси доирасидаги тўловлар бўйича мажбуриятларини бажармаган чет эл контрагентининг тўловга қобилиятсизлиги ёки банкротлиги ҳақидаги далилларни тақдим этишлари лозим.

Бундай далилларга, хусусан, қуйидагилар киради:

чет эл контрагентидан қарздорлик суммаларини ундириш ҳақидаги чет эл ваколатли давлат судининг ҳал қилув қарори ва чет эл контрагентининг мол-мулки ва бошқа маблағлари мавжуд эмаслиги сабабли ушбу қарорни ижро этиш имконияти йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

чет эл контрагентининг банкрот (тўловга қобилиятсиз) деб эътироф этилиши.

21. ФКнинг 959-моддасига асосан суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Қайта суғурта қилиш шартномасидан келиб чиқадиган низолар бўйича ишларни кўришда судлар қайта суғурта қилиш хизматларини кўрсатишнинг ягона талаб ва стандартлари белгиланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 111-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 29 январда 2190-сон билан рўйхатга олинган Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомга ҳам асосланиши лозим.

22. Агар суғурта шартномаси мажбурият бажарилишининг таъминоти сифатида тузилган бўлса, асосий мажбурият бажарилмаган тақдирда кредитор суғурталовчидан суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, агар суғурта шартномаси хўжалик шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида тузилганида, суғурталовчига талаб билдирилгунга қадар кредитор қарздордан қарзни ундириш чораларини кўриши зарур ва фақат қарздорнинг мажбуриятни бажариш учун мол-мулки етарли бўлмагандагина кредитор суғурталовчига талаб билдириш ҳуқуқига эга, агар суғурта шартномасида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса.

Қарздорнинг мол-мулки мажбуриятни бажариш учун етарли эмаслиги давлат иж-

рочисининг ижро ҳужжатини «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан ундирувчига қайтариш тўғрисидаги қарори билан тасдиқланади.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган қоидаларга амал қилинмаслиги суғурта қилдирувчига нисбатан тақдим этилган даъвони қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлади.

22.1. Қонун ҳужжатларида мажбурият бажарилишининг таъминоти сифатида тузилган суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг суғурта пули тўлаш ва қарздорнинг асосий мажбурияти бўйича солидар жавобгарлиги назарда тутилмаган. Шу муносабат билан судлар шуни инобатга олиши керакки, суғурталовчи ва асосий қарздорга нисбатан арз қилинган бундай талабнинг суғурталовчига нисбатан қисмини қаноатлантириш рад этилиши, талабнинг қарздорга нисбатан қисми эса мазмунан кўрилиши лозим.

Қарздордан қарзни ундириш бўйича мажбурий чораларни кўриш жараёнида суд ҳужжатини ижро этишнинг имкони йўқлиги аниқланганлиги кредиторнинг суғурталовчига нисбатан даъво талабини тақдим этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

22.2. Агар мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун кафиллик, гаров ва суғурта шартномалари тузилган бўлиб, бажарилиши таъминланган мажбурият бажарилмаганда, кредитор томонидан бир вақтнинг ўзида қарздор, кафил, гаровга қўювчи ва суғурталовчига нисбатан даъво тақдим этилган бўлса, низони ҳал қилишда судлар суғурта шартномасининг шартларидан келиб чиқиши керак. Агар суғурта шартномасининг шартларида кредитор талабларини қаноатлантириш учун қарздор ва кафилнинг тўловга қобилиятсизлиги ва гаровга қўйилган мол-мулкнинг етарли эмаслиги суғурта ҳодисаси деб белгиланганда, даъво талабнинг суғурталовчига нисбатан қисмини қаноатлантириш рад этилади. Бунда, агар кредиторнинг талабини қаноатлантиришга қарздор ва кафилнинг тўловга қобилиятсизлиги ва гаровга қўйилган мулкнинг етарли эмаслиги аниқланганда, кредиторнинг суғурта товонини суд тартибида ундириш ҳуқуқи сақланиб қолади. Бундай ҳолда, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) судга қайта мурожаат қилингунига қадар, қарздор ва кафил кредиторнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги ва гаровга қўйилган мулкларнинг етарли эмаслигини исботловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчини хабардор қилиши шарт.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди судьяси**

**И. АЛИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
ПЛЕНУМИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

2017 йил 29 ноябрь

№ 46

Тошкент шаҳри

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1. «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли қарори:**

**6-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«6. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш деганда, уларни ғайриқонуний равишда ҳар қандай усулда (ўғирлик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, талончилик, товламачилик, босқинчилик йўли билан) қўлга киритиш тушунилиши лозим»;

**14-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«14. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди ишларни апелляция ва кассация тартибида кўришда қайд этилган туркумдаги ишларни кўриш сифати устидан тегишли назоратни таъминласинлар ва суд хатоларини ўз вақтида тузатиш учун зарур бўлган чораларни кўрсинлар».

**2. «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1996 йил 15 мартдаги 9-сонли қарори:**

**5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«5. Тушунтирилсинки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165, 176-3-моддалари билан маъмурий жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади. Агар бундай фаолият билан шуғулланиш кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 190-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 190-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в» бандлари билан квалификация қилиш учун ҳам қонунга хилоф фаолиятдан кўп миқдорда даромад олинган бўлиши талаб этилади.

Айбдор тадбиркорлик фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оши-



рибгина қолмай, балки давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп микдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолларда, унинг ҳаракатлари ЖК 188-моддаси билан квалификация қилиниши лозим бўлиб, ЖК 190-моддаси билан кўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди»;

**14-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» сўзлари билан алмаштирилсин;**

**3. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1996 йил 20 декабрдаги 36-сонли қарори:**

**2-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«2. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунлари, ер, сув, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади»;

**6-банди биринчи хатбошисининг учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади»;

**рус тили матнидаги 6-банди иккинчи хатбошиси «общественная экологическая экспертиза осуществляется независимыми группами» сўзларидан кейин «специалистов» сўзи билан тўлдирилсин;**

**8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» ва «табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;**

**13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Қонунга кўра, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашга оид суммалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги 290-сонли қарори ва 2017 йил 15 июндаги «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 375-сонли қарорларида назарда тутилган тартибда ундирилади»;

**17-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» сўзлари билан алмаштирилсин.**

**4. «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти**

**ҳақида»ги 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли қарори:**

**1-банди биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«1. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 267-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ транспорт воситаларини олиб қочиш деганда, ўзганинг транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз бир жойдан бошқа жойга кўчириш тушунилиши лозим»;

**3-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Айбдор транспорт воситасини олиб қочганда талон-торож мақсадини кўзлаган бўлса, унинг ҳаракатлари қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ЖК 267-моддаси иккинчи қисми «г» банди ёки учинчи қисми «в» банди билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳаракатларни, тегишлича, ЖК 164, 166 ёки 169-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди»;

**5-банди тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Уюшган гуруҳ таркибида транспорт воситасини олиб қочган шахсларнинг ҳаракатлари, улардан ҳар бирининг ролидан қатъи назар, ҳамижрочи деб баҳоланиши ва ЖК 267-моддаси учинчи қисмининг «б» банди билан ЖК 28-моддасига ҳавола этилмаган ҳолда квалификация қилиниши лозим»;

**7-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» сўзлари билан алмаштирилсин.**

**5. «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли қарори:**

**13-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«13. Судлар зарурий мудофаа тўғрисидаги қонунларни қўллаш билан боғлиқ ишлар бўйича дастлабки тергов сифатига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари, жиний тажовузга дахлдор барча шахслар жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигини аниқлашлари ва асослар мавжуд бўлганда, уларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун бу ҳақда прокурорга хабар беришлари (ЖПК 417-моддаси) лозим»;

**15-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» сўзлари билан алмаштирилсин;**

**6. «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида»ги 1997 йил 22 августдаги 12-сонли қарори:**

**5-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Суд муҳокамаси қатнашчилари доирасини аниқлаш ва ишнинг ҳаракати (жамоат айбловчисини, жамоат ҳимоячисини ишга киритиш жабрланувчи, фуқаровий даъвогар деб тан олиш, ишни тўхтатиб қўйиш ёки уни кейинга қолдириш, судланувчинини янги айблов бўйича жиний жавобгарликка тортиш, бошқа шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этиш, ишни тугатиш ва бошқалар) билан боғлиқ, хоҳ суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида ва хоҳ суд муҳокамаси жараёнида арз қилинган бошқа барча илтимослар ҳам ушбу қоидалар бўйича ҳал қилинади. Агар муҳокама қилиниб, ҳал этилган илтимос юзасидан тараф яна шу асослар бўйича арз қилган тақдирда раислик этувчи бу илтимосни муҳокамага киритишни рад этади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади»;

**12-бандииккинчи хатбошисидаги «Жиноят-процессуал кодекси 423-моддасининг 3-бандига асосан» сўзлари «Жиноят-процессуал кодекси 423-моддасининг 4-бандига асосан» сўзлари билан алмаштирилсин;**

**16-банди биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«Жиноят-процессуал кодексининг 415-1-моддасига мувофиқ суд муҳокамаси пайтида суд айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов билан ўзгартиришга ҳақли. Янги шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала суд томонидан ЖПК 417-моддасида белгиланган тартибда ҳал этилади»;

**21-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«21. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибда кўраётганда биринчи босқич судлари томонидан жиноят-процессуал қонунчилигига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш, жиноят ишларининг суд муҳокамасида жиноят-процессуал қонунчилигини қўллашда йўл кўйилган хатоларни, бирорта қонун бузилиш ҳолатини эътибордан четда қолдирмасдан, мунтазам таҳлил қилиб бориш тавсия этилсин».

**7. «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли қарори:**

**4-банди биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«4. Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш, агар бу ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда текинга ўзининг ёки бошқа шахсларнинг мулкдорлигига айлантиришида ифодаланган бўлса, ЖК 167-моддаси 2-қисмининг «г» банди билан квалификация қилиниши лозим ва ЖК 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди».

**5-банди биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«5. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ўзганинг мулкани ЖК муайян моддасининг турли қисмларида назарда тутилган талон-торож жиноятини содир этишда айбдор деб топганда, унинг ҳаракатлари ЖК тегишли моддасининг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми билан квалификация қилиниши лозим ва ушбу модданинг бошқа қисмлари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди (масалан, жиноят ЖК 167-моддасининг 3-қисми билан, шу жумладан жуда кўп микдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича квалификация қилинганда, ЖК мазкур моддасининг 1 ва 2-қисмлари билан қўшимча квалификация талаб этилмайди)»;

**17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«17. Судларга тушунтирилсинки, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга ошириш шахс норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ваколатли давлат органига тегишли фаолиятни рўйхатдан ўтказиш ёки уни тиклаш ёхуд ўзгартириш тўғрисида мурожаат этиши шарт бўлиб, бироқ қасддан буни бажармаган ҳолда мавжуд бўлади.

Шахсни ЖК 188-моддаси билан айбдор деб топиш учун тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп микдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга оширганлиги факти аниқланган бўлиши керак»;

**31-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«31. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов хайъатига, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўраётганда биринчи босқич судлари томонидан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш, уларни қўллашда йўл қўйилган хатоларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва баргараф этиш тавсия этилсин».

**8. «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сонли қарори:**

**1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундашга оид ҳар бир жиноят ишини кўришда содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш тўғрисидаги қонун талабига риоя қилиш зарур»;

**қуйидаги мазмундаги 4-1-банд билан тўлдирилсин:**

«4-1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, кўрқитиш, раҳмсиз муносабатда бўлиш ёки шахснинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш йўли билан содир этиладиган ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилишдан фарқли равишда ўзини ўзи ўлдиришга ундашда (ЖК 103-1-моддаси) айбдор кўндириш, алдаш ёки инсоннинг эркини синдирувчи бошқа йўл билан (масалан, тушқунликка солувчи ғоявий ташвиқот орқали) қасддан бошқа шахсда ўзини ўзи ўлдиришга нисбатан қатъиятни кўзгатади»;

**6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«6. Субъектив томондан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш эгри қасд ёки оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш эса, қасддан содир этилади»;

**7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«7. ЖК 103-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилиши оқибатида қандайдир сабабларга кўра инсон ўлими келиб чикмаган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатини ЖК 25-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, чунки ЖК 103-моддаси нафақат ўзини ўзи ўлдириш, балки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш учун ҳам жавобгарликни назарда тутлади.

ЖК 103-1-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан ҳам ЖК 25-моддасини қўллаш талаб этилмайди, чунки мазкур жиноят шахс ўзини ўзи ўлдиришга ундалган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади».

**9. «Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори:**

**8-банди биринчи хатбошисининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Масалан, жиноят ЖК 169-моддаси 4-қисми билан жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича квалификация қилинганда, ЖК мазкур моддасининг 1, 2 ва 3-қисмлари билан қўшимча квалификация талаб этилмайди»;

**12-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди»**

сўзлари билан алмаштирилсин;

**10. «Валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 28 апрелдаги 8-сонли қарори: 8-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«Агар шахсда анча миқдордан ортиқ валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш мақсади бўлиб, бу мақсадни қисмларга бўлиб амалга оширса, у валюта қимматликлари умумий суммасидан келиб чиқиб, ЖК 177-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарликка тортилиши лозим»;

**9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«9. Қилмишни ЖК 177-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари билан квалификация қилишда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов далолатномаси (айблов хулосаси) ва ҳукмда айбдорнинг қилмиши айнан қандай белгига кўра жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган деб топилганлиги акс эттирилиши шарт. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, анча миқдорда содир этилган валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш жиноятини ЖК 177-моддаси иккинчи қисмининг «а», «в» банди ва учинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилишда муқаддам шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмайди.

Валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда кўп ёки жуда кўп миқдорда олиш ёки ўтказиш учун жавобгарлик шахс шундай ҳаракатлар учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъи назар келиб чиқади»;

**16-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» сўзлари билан алмаштирилсин.**

**11. «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли қарори:**

**3-банди иккинчи хатбошисидаги «ЖПК 419, 487-моддаларига асосан» сўзлари «ЖПК 487-моддасига асосан» сўзлари билан алмаштирилсин;**

**14-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини кўриб чиқиш бўйича қуйи судларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлашлари, чиқарилган суд қарорларининг қонунийлигини ва асослантирилганини синчиклаб текширишлари, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишлари зарур».

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди судьяси

И. АЛИМОВ



## ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ

### 5-978-17-СОНЛИ ИШ (2017 йил 14 сентябрдаги ажримдан кўчирма)

*Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиши имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим*

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2015 йил 9 сентябрдаги ҳукмига кўра, С.Ботирова (мағндаги барча исм ва фамилиялар ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 167-моддаси иккинчи қисмининг «в», «г» бандлари, 209-моддасининг биринчи қисми, 227-моддасининг иккинчи қисми «а» банди, 205-моддасининг биринчи қисми билан айбли деб топилиб, 2013 йил 12 декабрдаги амнистия акти 1-бандининг «а» кичик бандига асосан жазодан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Ботирова:

2006 йил 6 мартдан «Ғунча» номли 5-сонли мактабгача таълим муассасасининг мудираси лавозимида ишлаб келиб, 2011 йилдан 2013 йил сентябрь ойига қадар бошқа шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, муассаса ходимларига иш ҳақи ҳисоблаш ва бадал пулларини ундиришда расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, жами 4 020 441 сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилганликда;

мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, жиний ҳаракатларини яшириш ҳамда фош этилишини қийинлаштириш мақсадида муассасанинг қатъий ҳисобида турадиган ва ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган 2010 йилдаги молия-хўжалик бўйича юритиладиган бюджет маблағларининг ҳаракатига доир жамланма, бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма, иш ҳақи ва стипендиялар бўйича ҳисоб-китоб варақалари йиғиндиси, турли ташкилот ва муассасалар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича жамланма, озиқ-овқат маҳсулотларининг киримига доир жамланма, озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфига доир жанланма, таълим муассасаларида болаларни сақлаганлик учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича қайднома, иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табеллари каби бирламчи ҳужжатлар ҳамда солиқ ва статистик ҳисоботларни текширишга тақдим қилмасдан, ушбу ҳужжатларни нобуд қилиб, ходимларнинг меҳнат фаолияти, иш стажи, уларга ҳисобланган ва тўлаб берилган иш ҳақларига доир ҳаққоний маълумотларни аниқлаш имкониятини қолдирмаганлиги оқибатида давлат, муассаса ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказганликда айбли деб топилган.



Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 17 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 21 июлдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 17 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янги-дан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 26 октябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, С.Ботированинг айбидан ЖК 167-моддаси иккинчи қисмининг «в», «г» бандлари, 209-моддасининг биринчи қисми чиқарилиб, ишнинг шу қисми тугатилган ва унинг ҳаракатлари ЖК 227-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди, 205-моддасининг биринчи қисмидан шу Кодекс 207-моддасининг биринчи қисмига қайта квалификация қилиниб, 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши, судланувчини ҳам фoш қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида» 2014 йил 23 майдаги қарорининг 5-бандида ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги;

6-бандида ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган ҳулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бирок, судлар томонидан юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этилмаган.

Иш бўйича чиқарилган суд қарорларидан кўринишича, апелляция инстанцияси суди муҳокамаси даврида тўпланган далилларга асосан С.Ботированинг бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлиги жиноятларида айблилиги исботланмаганлиги боис, унинг зиммасидан мазкур айбловлар чиқарилиб, ишнинг шу қисмини тугатиш ҳақида асосли ҳулосага келинган.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси ишнинг яна бир қисми юзасидан С.Ботирова «Ғунча» номли 5-сонли мактабгача таълим муассасасининг мудираси лавозимида ишлаб келиб, ўзига юклатилган вазифаларга лоқайдлик билан муносабатда бўлиши оқибатида муассасанинг 2010 йил молия-хўжалик фаолияти бўйича

юритилган бирламчи ҳужжатлар ҳамда солиқ ва статистик ҳисоботларни текширишга тақдим қилмасдан, ҳужжатларнинг муассасада сақланишини лозим даражада назорат қилмасдан, бошқа йиллар учун юритилган ҳужжатларни текширишга тақдим қилишда уларни рўйхатдан ўтказиб, тегишли тартибда расмийлаштирилишини таъминламасдан текширувчиларга топшириши оқибатида давлат, муассаса ва фуқароларнинг манфаатларига жиддий зиён етказганлиги ҳақида хулосага келиб, унинг ҳаракатларини ЖК 205-моддасининг биринчи қисми, 227-моддаси иккинчи қисмининг «а» бандидан шу Кодекс 207-моддасининг биринчи қисмига қайта квалификация қилган.

Гувоҳ Т.Алиев апелляция инстанциясида 2013 йилдан прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг шаҳар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келгани, 2013 йил октябрь ойида 5-сонли мактабгача таълим муассасасини текшириш учун молия бўлимидан текширувчиларни олиб боргани, шаҳар молия бўлимининг буйруғига асосан текширувчи ажратилгани, муассасадан ҳужжатларни молия бўлими ходимлари олишгани, ҳужжатлар олинган вақтда баённома расмийлаштирилмагани, ҳужжатлар Департамент биносига олиб келиниб, шундан сўнг ҳужжатларни олиш ҳақида баённома расмийлаштирилгани, бироқ баённома тузилишида иштирок этмагани ҳамда ҳужжатларнинг йўқолганидан хабари бўлмагани ҳақида;

гувоҳ К.Каттаев дастлабки тергов ва апелляция инстанцияси судида шаҳар молия бўлимида сектор ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиши, буйруқ асосида 5-сонли мактабгача таълим муассасасининг молиявий-хўжалик фаолияти текширувида иштирок этгани, мактабгача таълим муассасасига бўлим ходими М.Келдиева ва Департаментнинг шаҳар бўлими бошлиғи Т.Алиев билан бирга боришгани, муассасадан тегишли ҳужжатларни олиб Департамент биносига келтиришгани, орадан бир неча кун ўтгач 5-сонли мактабгача таълим муассасаси ҳисобчиси Т.Тоғаева билан бирга олиб келинган ҳужжатларни рўйхат қилишгани, шунда текширувга 2010 йил учун бош журнал ва 242-шакл тақдим қилиниб, молиявий фаолиятга оид қолган ҳужжатлар йўқлигини билгани, ҳужжатларни қайси куни рўйхат қилишгани, боғчага қайси куни борганларини эслай олмаслиги, текширишда фақат ҳужжатларни рўйхат қилгани, лекин ҳисоб-китоб ва бошқа текширувларда иштирок этмагани ҳақида;

гувоҳ Т.Тоғаева дастлабки тергов ва апелляция инстанциясида 2011 йил февралдан 2012 йил февралга қадар 5-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳисобчи вазифасида ишлагани, кейин ҳисобчи вазифасида 2013 йил февралгача П.Зокиров ишлаб, шундан сўнг яна ўзи ҳисобчи вазифасида ишини давом эттиргани, муассасада ўтказилган текширишда иштирок этгани, ҳужжатларни М.Келдиевага олиб бориб топширгани, текширишда К.Каттаев ҳам қатнашгани, 2013 йил 3 октябрь куни М.Келдиева ва К.Каттаев 2011-2013 йил учун ҳужжатларни олиб кетишгани, 2010 йил учун ҳужжатлар муассасада бўлгани, 2013 йил 4 октябрь куни 2010 йил ҳужжатлари ҳам олиб бориб берилгани, 2010 йил учун ҳужжатларни М.Отаева олиб чиқиб бергани, орадан бир неча кун ўтиб, 2013 йил 18 октябрь куни Департамент биносига бориб, муассасадан олиб кетилган молиявий ҳужжатларни рўйхат қилишда иштирок этгани, К.Каттаев ҳужжатларни мо-

лия бўлимидан Департаментга олиб боргани, ҳужжатларнинг рўйхатини тузиш давомида 2010 йил учун ҳужжатлар йўқлигини билгани ҳақида;

гувоҳ М.Отаева апелляция инстанциясида 5-сонли мактабгача таълим муассасасида кир ювувчи ва касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлагани, муассасанинг 2010 йил молиявий фаолиятига оид ҳужжатларни молия бўлими ходими М.Келдиевага олиб бориб топширгани, унга ҳужжатларни топширган вақтида олгани ҳақида ҳеч қандай ҳужжат бермагани, 2010 йил учун тузилган ҳужжатларни олиб борган вақтида М.Келдиева билан К.Қаттаев ҳам бирга бўлгани ҳақида;

гувоҳ О.Бобоев дастлабки терговда молия бўлими мутахассиси бўлиб ишлаши, СВОЖЖДЛҚК департаментининг шаҳар бўлими хатига асосан текшириш ўтказиш бошланган вақтда 5-сонли мактабгача таълим муассасасининг барча молиявий фаолиятига оид ҳужжатлар шаҳар Департаментига олиб борилгани, шундан сўнг орадан бир неча кун ўтгач шаҳар Департаментида 5-сонли мактабгача таълим муассасаси ҳисобчиси Т.Тоғаева ва К.Қаттаев олиб келинган ҳужжатларни рўйхат қилишгани, шунда 2010 йил учун бош журнал ва 242-шакл тақдим қилиниб, қолган молиявий фаолиятга оид ҳужжатлар йўқлиги аниқлангани ҳақида кўрсатувлар беришган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 173-моддасида давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан, бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилиши;

175-моддасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари ўз ваколатлари доирасида молиявий назоратни амалга оширилиши;

180-моддасида якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назорати назорат режасига кўра амалга оширилиши ва давлат молиявий назорат органининг қарори асосида ўтказилиши, якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назоратини амалга оширувчи мансабдор шахс давлат молиявий назорат органи қарорининг кўчирма нусхасига ва хизмат гувоҳномасига эга бўлиши кераклиги белгиланган.

ЖКнинг 82-моддасида айблов ҳукми чиқариш учун жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги ва бошқа ҳолатлар исботланган бўлиши кераклиги;

85-моддасида исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатлиги;

86-моддасида исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширилиши, исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилиши, улар ушбу Кодексда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларни бажарилиши;

87-моддасида далиллар олиб қўйиш ҳамда бошқа бир қатор тергов ва суд ҳаракатларини юритиш йўли билан тўпланиши;

88-моддасида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлаш таъминланиши кераклиги, тергов ёки суд ҳаракатлари жараёнида олиб қўйиладиган нарсалар ва ҳужжатлар тегишли баённомаларда аниқ кўрсатилиши кераклиги, шу билан бирга нарса ёки ҳужжат эгасига баённома нусхаси ёки унинг кўчирмаси топширилиб, тилхат олинishi белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги қарорида ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шартлиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроксиз) деб топилишига олиб келиши, номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПКнинг 82—84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Жиноят ишидаги шаҳар молия бўлими томонидан берилган 2015 йил 6 июлдаги маълумотномада, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти шаҳар бўлимининг 2013 йил 3 октябрдаги хатига асосан молия бўлими ходимлари томонидан «Ғунча» номли 5-сонли мактабгача таълим муассасасида текшириш ўтказилгани қайд этилган.

«Ғунча» номли 5-сонли мактабгача таълим муассасасида текшириш ўтказиш ҳақида шаҳар бўлими бошлиғининг буйруғи 2013 йил 4 октябрь санаси билан чиқарилган бўлиб, мазкур буйруқ бўлим мутахассислари М.Келдиева ва К.Каттаевага 2013 йил 7 ноябрь куни таништирилган.

Шунингдек, «Ғунча» номли 5-сонли мактабгача таълим муассасасидан 2013 йил 3 октябрь куни олинган муассаса молиявий-хўжалик фаолиятига оид ҳужжатлар ордан анча вақт ўтганидан сўнг 2013 йил 18 октябрь куни СВОЖДЛҚК департаменти шаҳар бўлимида молия бўлими мутахассислари томонидан рўйхат қилиб чиқилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, С.Ботированинг шаҳар молия бўлими мутахассиси М.Келдиева молиявий фаолиятларига ёрдам бериб туриши учун пора тариқасида пул олиб келгани ҳақида МХХ вилоят бошқармаси бошлиғи номига ёзган аризасига асосан 2013 йил 7 октябрь куни ўтказилган тадбирда М.Келдиева олган пулларини қайтариб бераётган вақтда ушланиб, унга нисбатан ЖКнинг 214-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Иш ҳолатлари ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларидан аниқланишича, 2013 йил

3 октябрь куни мактабгача таълим муассасасида текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи қарор мавжуд бўлмаганидан ташқари, муассаса молия-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларни олишда ҳам бирорга ҳужжат расмийлаштирилмаган.

Бундан ташқари, гувоҳлар Г.Тоғаева ва М.Отаева муассаса молиявий-хўжалик фаолиятига оид қўшимча ҳужжатларни Департамент биносига олиб бориб топширишгани ҳақида кўрсатувлар берган бўлиб, мазкур ҳужжатларни олишда ҳам тегишли ҳужжат расмийлаштирилмаган.

Шундай ҳолда, С.Ботирова ва мутахассис М.Келдиева ўртасида жиддий зиддият юзага келган ҳамда муассаса молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатлар ким томонидан ва қандай тарзда сақланганлиги номаълум бир ҳолатда муассасадан олинган ҳужжатлар рўйхати тузилиб, шу даврда муассасанинг 2010 йил фаолиятига оид ҳужжатлар йўқлиги аниқлангани қайд этилган.

Шунингдек, «Ғунча» номли 5-сонли мактабгача таълим муассасасининг 2017 йил 15 июндаги маълумотномасида муассасанинг молиявий фаолиятига доир 2010 йилги ходимларнинг иш ҳақи табеллари ва аслига тўғри ёзуви билан муҳрланган тўлов қайдномалари, пул ўтказмаси нусхалари мавжудлиги, келгусида муассаса ходимларининг иш стажи ва иш ҳақларини аниқлашда ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Жиноят ишида С.Ботирова томонидан муассасанинг молиявий фаолиятига доир ҳужжатларни сақлаш ва текширувчиларга топширишда лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўйиб, айнан 2010 йил учун юритилган ҳужжатларнинг йўқолишига сабабчи бўлганлигидан далолат берувчи далиллар бўлмасдан, шунингдек унинг шу қилмишни содир этганлигини исботловчи бошқа далилларни тўплаш имконияти ҳам мавжуд эмас.

Бундай ҳолда С.Ботирова ўз вазифаларига лоқайдлик ва бепарволик билан қараб, муассасанинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни йўқотиб, муассаса ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлган деб бўлмайди.

ЖПК 23-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Шу сабабли, судлов ҳайъати С.Ботированинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, унга оид 2015 йил 9 сентябрдаги суд ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 26 октябрдаги ажримини бекор қилиб, жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатишни лозим топади.

\* \* \*



## ТАДҚИҚОТ, ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

# ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

*Мамлакатимизда 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилингани 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни изчил бажаришда муҳим аҳамият касб этади.*

Қолаверса, йил номидаги ҳар учала тушунча ўзаро бир-бирини тақозо қилади, яъни фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий фаолиятдир. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инновация ва технологияларга асосланган тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва фуқаролар фаровон ҳаёт кечиришининг ажралмас шартидир.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, фаол тадбиркор рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсондир.

Бунга мисол сифатида 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилганлигини кўрсатиш мумкин.

Тадбиркорлик билан шуғулланадиган шахс ўз мулкини, даромадини янада кўпайтиришга интилади. Шу маънода ўзининг, оиласининг турмуш фаровонлигини ошириб бориш билан бирга, давлат ва жамият зиммасидаги кўплаб



вазифаларни бажаришда ҳам фаол иштирок этади.

Қолаверса, мулкдор юртда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун астойдил жон куйдиради. Тадбиркорликнинг ривожланиши ҳуқуқбузарликларнинг камайишига ҳам туртки бўлади. Чунки, одамлар иш билан таъминланса, доимий даромад манбаига эга бўлса, ҳаётдан, давлат ва жамиятдан миннатдор бўлади.

Хусусий мулк нафақат иқтисодиёт, балки фуқаролик жамиятининг ҳам асоси ҳисобланади. Мулкдор одамнинг мустақил дунёқараши, позицияси юзага келади, у қарам эмас, балки ўзини давлат билан муносабатларда тенг, ҳамкор сифатида кўради ҳамда демократиянинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Шу боис, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тадбиркорлик эркинлигининг кафолатланиши белгиланди. Шунингдек, Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар тадбиркорлик ривожига бевосита хизмат қилмоқда.

Жиноят кодексига умумий мулкка нисбатан тажовуз қилганлик учун жавобгарлик билан бир қаторда «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» деган алоҳида боб киритилди.

Қайд этиш жоизки, биргина «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун кўпгина ривожланган давлатларда ҳам мавжуд эмас. Қонун номининг ўзи давлатнинг бу соҳадаги мақсади ва устувор сиёсатини яққол ифодалаб турибди. Мазкур Қонунга асосан хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратади.

Айни пайтда мамлакатимизда ишбилармонликни кенг қўламда тараққий эттириш учун ҳали айрим тўсиқ ва ғовларни қонунчилик йўли билан барта-

раф этиш лозим. Мисол учун, Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, божхона тартиб-таомилларининг мураккаблиги тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 давлат орасида 175-ўринда туради. Божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун Бельгида 1 соат кифоя қилса, Ўзбекистонда 1 ой муддат сарфланади. Шу муносабат билан 2018 йилдан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни «яшил» ва «қизил» йўлақлар орқали ўтказиш жорий этилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, эркин рақобат муҳитини яратиш учун айрим корхоналарга имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилиши, барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатилиши, текширишлар ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон ахборот тизимига ўтилиши ва унинг назорати Бош прокуратурага юкланиши, бўш турган давлат мулки объектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишлар давом эттирилиши, Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартиби ўрнатилиб, 2018 йилдан электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилиши ва бошқа бир қатор вазифалар амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришлариغا, мамлакат иқтисодиётига янги технологияларни жорий этишга, аҳолини иш билан таъминлашга, давлат бюджетининг даромадаларини оширишга, фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилади.

**Н. САИД-ГАЗИЕВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Конституциявий суди катта эксперти,**  
**юридик фанлар доктори**

*Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги эътиборга молик ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг самарали ҳамда таъсирчан механизмларини яратишга, давлат органларининг фаолиятини айнан шу соҳага йўналтиришининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.*

## МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШУВИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

Қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, республикаимизда инсон ҳуқуқларига бўлган эътибор тамоман ўзгарди, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Бироқ, жамият тараққий этаверар экан, ундаги ижтимоий муносабатлар ҳам жадаллик билан ривожланиб бораверади, янгича муносабатлар вужудга келиб, улар ўз навбатида, ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, бугунги ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги тахририни қабул қилиш зарурлиги тўғрисидаги ғоялар бугунги кунда кўплаб илмий доираларда муҳокама марказида бўлмоқда<sup>1</sup>. Бу эса, ўз навбатида, амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни тизимли таҳлил этиш, уни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, қолаверса мазкур соҳа қонун ҳужжатларини янги, илғор ва замонавий тенденциялардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришни талаб этади.

Маъмурий жавобгарликни тартибга солувчи комплекс ҳуқуқий асос 1994 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК) бўлиб<sup>2</sup>, у мамлакат миқёсидаги маъмурий жавобгарлик меъёрларини белгилайди. Унда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий ҳолатлари ва принциплари мустаҳкамланган бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўриб чиқувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз фаолиятини мазкур тамойиллар асосида ташкил этади.

Илмий жамоатчилик эътирофи, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликнинг тизимли қиёсий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги МЖТК бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда принципиал жиҳатдан такомиллаштирилишга муҳтож. Хўш, бунинг сабаби нимада? Унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар сонининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлигими ёки умуман, Кодекс нормалари ижтимоий ҳаётда юзага келаётган муносабатларнинг ҳуқуқий ечимини белгилаб беришга қодир бўлмай қолганлигими ёхуд Кодекса эскириб қолган норма-

ларнинг янгиланишга муҳтожлигими?

МЖтК қабул қилингандан бери ўтган давр мобайнида, яъни 1995—2017 йиллар давомида унга 102 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган<sup>3</sup>. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, жамият тараққиёти, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларнинг такомиллашуви, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келаётган турли янги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишга муҳтожлиги, қолаверса, суд-ҳуқуқ соҳасининг изчил демократлаштирилиши ва либераллаштирилишининг натижасидир.

Биргина МЖтКга 2006 йилда қўшимча тариқасида киритилган 128<sup>1</sup>-моддага эътибор қаратайлик. Яъни, «Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши». Ахир, бундай ғояни 1994 йилда тасаввурга келтириш, уни Кодекс нормаларида акс эттириш баҳсли эди. Чунки, ўша даврда уяли алоқа воситалари бу қадар оммалашмаган ва у ҳақдаги нормани Кодексга киритиш хаёлимизга ҳам келмаган.

Бугунги кунга келиб эса, мазкур Кодексни концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, ундаги баъзи бир эскириб қолган моддаларни замон талабларига мослаштириш, жамият ҳаётида вужудга келаётган айрим янги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг принципиал қоидаларини ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, Кодексни бутунлай янгича дунёқараш асосида, замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда янгилаш зарурияти пайдо бўлмоқда. Бундай ғоялар ҳуқуқшунос

### АННОТАЦИЯ

Муаллиф мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини концептуал жиҳатдан қайта ишлаб чиқиш масалаларини илмий-назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этади. Янги Кодексни ишлаб чиқишга доир асослантирилган таклиф ҳамда тавсиялар келтиради.

**Таянч иборалар:** қонунчилик, либераллаштириш, жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, ҳуқуқни қўллаш, жиний юрисдикция.

\* \* \*

В данной статье автор дает сравнительно-правовой и научно-теоретический анализ вопросов усовершенствования с концептуальной точки зрения действующего Кодекса об административной ответственности. Приводятся обоснованные предложения и рекомендации по разработке нового кодекса.

**Ключевые слова:** законодательство, либерализация, ответственность, административная ответственность, правоприменение, уголовная юрисдикция.

\* \* \*

In this article the author analyzes norms of current in the Republic of Uzbekistan. The author suggests that scientifically, theoretically, comparatively and legally the current Code of Administrative Liability should be reviewed. Moreover, he gives solid and founded proposals on forming new Administrative code.

**Key words:** Legislation, liberalization, liability, administrative liability, law-enforcing, criminal jurisdiction.

олим ва амалиётчилар томонидан яқдиллик билан илгари сурилмоқда. Қолаверса, Кодексдаги баъзи бир нормалар амалиётда узоқ йиллар давомида қўлланилмаслиги, айрим янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши оқибатида эса, баъзи бир нормаларни қўллашда тушунмовчиликлар юзага келмоқда ва ҳоказо.

Бундан ташқари, амалдаги МЖТК мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим. Бунда, авваламбор, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда жиноят қонунчилигини либераллаштириш, хусусан, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш борасидаги ислоҳотлар ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Жиноий қилмишни маъмурий юрисдикцияга ўтказишнинг аҳамияти шундаки:

*биринчидан*, қилмиш жиноий ҳуқуқбузарликдан маъмурий ҳуқуқбузарликка айланиб, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси камаяди;

*иккинчидан*, шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жазо тайинланиши ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши судланганликни келтириб чиқармайди;

*учинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш процесси жиноят процессидан ўзининг соддалиги, оперативлиги билан ажралиб турадики, бу ўз навбатида, ҳуқуқбузарлик ишларини тез ва ортиқча процессуал ҳаракатларсиз кўриб чиқиш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маъмурий қонунчиликни мазкур йўналишда такомиллаштириш маъмурий ишларнинг қонуний ва адолатли асосда ҳал этилишига хизмат қилади.

**Н. ХАТТАБОВ,**  
**юридик фанлар номзоди**

<sup>1</sup>Икромов Ш.Т., Исмоилов Н.Т. Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш – суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналиши. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2012 йил 29 ноябрь). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. –278-б.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (2017 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Т.: «Адолат», 2017 й. 10-модда. — 8-б.

<sup>3</sup>Батафсил қаранг: Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг маълумотлар миллий базаси.

# ТРАНСПОРТ

## СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

*Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларнинг асосий объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби ҳисобланади. Шу билан бирга, айбдор шахс мазкур жиноятларни содир этишида деярли барча ҳолларда инсон ҳаёти ва соғлиги каби қонун билан қўриқланадиган бошқа объектларга ҳам таъжовуз қилади.*

Ўзбекистон Республикасида транспорт ҳаракати ва хавфсизлиги қуйидаги ҳужжатлар билан тартибга солинади:

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси;

«Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари, 2003 йил 4 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари», 2008 йил 23 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг темир йўл устави».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (ЖК) XVIII бобида барча турдаги транспорт воситаларида ҳаракатланиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Транспорт воситаларига, жумладан, темир йўл, сув ва ҳаво транспорти, автомобиль транспорти, шунингдек мотоцикл, мопед, велосипед, от-улов ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Махсус ишларни бажаришга мўлжалланган транспорт воситалари жумласига йўл ётқизиш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларни бажариш учун ихтисослаштирилган машиналар (экскаваторлар, грейдерлар, автокранлар, скреперлар, автоюклагичлар) киради.

ЖКнинг 263, 267-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган, 260—262, 263<sup>1</sup>, 264—266, 268, 269- моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти эса, ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти деб, транспорт воситасини бошқарган, яъни:

ҳайдовчилик гувоҳномасига эга;

йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган;

тегишли турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган;



транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига умуман эга бўлмаган; қўш бошқарувли ўқув (машқ) транспорт воситасида транспортни бошқаришни ўргатаётган шахс топилиши мумкин.

Йўл ҳаракати қоидаларининг I бўлимига кўра, иш ҳажми 50 куб сантиметргача бўлган ва юргизгич (двигатель) билан ҳаракатга келтириладиган ҳамда энг юқори ҳаракатланиш тезлиги соатига 50 километрдан ошмайдиган транспорт воситасини, мопед (осма юргизгичли (двигателли) велосипед) ва ўхшаш тавсифга эга бўлган бошқа транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти бўлиши мумкин эмас. Мазкур транспорт воситаларини ёки от-улов транспортини бошқариб бораётган, шунингдек велосипедчилар, арава-ча, чана, болалар ҳамда ногиронлар аравачаларини тортиб (юргизиб) бораётган ва йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга йўл қўйган шахс, агар бунда эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилган ёхуд одам ўлган бўлса, бунинг учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, ЖК 268-моддаси бўйича жавобгар бўлади.

Агар йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш бир неча турдаги транспорт воситаси ҳайдовчиларининг жиноий ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлса, бундай ҳолда улар транспорт воситаси туридан келиб чиқиб, тегишлича, ЖК 266 ёки 268-моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Мисол учун, фуқаро К. Муродов (матндаги барча исм ва фамилиялар ўзгартирилган) 2017 йил 7 октябрь куни соат 20:30 ларда амакисига тегишли «Нексия» русумли автомашинада ишончнома орқали автомобиль йўлида Йўл ҳаракати қоидалари 135-бандининг иккинчи қисми талабларига зид равишда ҳаракатланиб, йўл устида ётган Ш. Омоновни босиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиши оқибатида жабрланувчи туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимида вафот этган.

К. Муродов ўзининг ушбу жиноий ҳаракатлари билан ЖК 266-моддасининг иккинчи қисми билан айбдор деб топилган.

Республикамызда кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган бўлиб, у мамлакат ичкарасида ва ташқарисида юк ҳамда йўловчилар ташишни, яқин ва олис хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайди. Шу билан бирга, транспорт воситаларининг кўпайиши уларни бошқариш вақтида хавфсизлик чораларига риоя қилишга янада масъулият билан ёндашишни талаб қилмоқда. Зотан, транспорт воситалари билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар таҳлили ҳайдовчилар томонидан ҳамма вақт ҳам хавфсизлик чораларига риоя қилинмаётганидан далолат бермоқда.

ЖКнинг 260—263, 266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг зарурий белгиси содир этилган ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёхуд жиноят қонунида кўрсатилган бошқа қоидаларнинг бузилиши билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш борлиги ҳисобланади. Ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш транспорт воси-

тасини бошқариш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириш, йўл белгиларига риоя қилмаслик, ҳаракатланишнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетиш ва шу кабиларда) ифодаланади. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш эса, транспорт воситаларидан фойдаланиш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, ногабарит юкларни ёки йўловчиларни бунга мўлжалланмаган транспорт воситасида ташиш, транспорт воситаси бошқарувини шу воситани бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга топшириш ва шу кабиларда) ифодаланади.

Йўл ҳаракати қоидалари икки ёки ундан ортиқ йўл ҳаракати иштирокчиси томонидан бузилган ҳолларда, ЖКнинг 266-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик фақат транспорт воситасини бошқариш борасидаги ҳаракатлари мазкур моддада кўрсатиб ўтилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлган ҳайдовчидагина келиб чиқади. Транспорт воситасини бошқариш борасидаги ҳаракатлари келиб чиққан оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлмаган бошқа ҳайдовчи эса, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

ЖКнинг 260—262, 266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятлар, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёки бошқа қоидалар бузилиши хусусиятидан қатъи назар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган деб эътироф этилади, чунки бунда айбдор барча ҳолларда ўз-ўзига ишонини ёки бепарволик билан ҳаракат қилади. Агар айбдор ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини қасдан бузса, унинг қилмиши ЖКнинг қасдан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Масалан, фуқаро М. Худойкулов 2017 йил 26 январь куни соат тахминан 07:30 ларда ўзининг бошқарувидаги «Нексия» русумли автомашинасини бошқариб келаётиб, Йўл ҳаракати қоидалари 77-бандининг биринчи қисми талабларига риоя қилмасдан, йўлнинг ўнг қисми четида дарахтга урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилганлиги оқибатида автомашина салонига бўлган йўловчига ўртача оғир тан жароҳати етказилган.

М. Худойкулов ўзининг ушбу жиноий ҳаракатлари билан ЖК 266-моддасининг биринчи қисмига асосан айбдор деб топилган.

Транспорт воситалари ҳаракати билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш учун биринчи навбатда ҳайдовчиларнинг руҳий ҳолатига эътибор бериш лозим. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини дастлабки тарзда мажбурий ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтказиш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Амалда эса, ҳайдовчилар дастлабки мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилади, холос. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам қоида бузган шахсларга берилган маъмурий жазога қўшимча сифатида тиббий кўриқдан ўтмаганлик учун жазо кўзда тутилмаган.

Айрим ҳолларда битта ҳайдовчи томонидан бир нечта қоидабузарлик содир этилади.

Ушбу қоидабузарликлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тегишли маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Аммо, ҳайдовчи нима сабабдан кўп қоидабузарликлар содир этганлиги аниқланмайди, унинг рухий ҳолатида ўзгариш бўлган ёки бўлмаганлиги текширилмайди. Ҳолбуки, фуқаро ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш чоғида соғлом бўлиши, вақт ўтиб унинг руҳиятида ўзгариш бўлганлигини атрофдагилар билмаслиги мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 128-моддасининг учинчи қисмида бир йил мобайнида шу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан учтасини содир этиш учун, тўртинчи қисмида бир йил мобайнида ҳуқуқбузарликлардан тўрттасини ва ундан кўпрогини содир этиш учун маъмурий жазо чоралари кўрсатилган, холос. Ушбу Кодекснинг бошқа транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жавобгарлик ўрнатувчи моддаларида мазкур қоидаларни фақат тақдоран содир этиш учун жавобгарлик белгиланган.

Айбдор томонидан бир неча мустақил жиноятлар содир этилган бўлиб, бу жиноятлардан бири ҳаракатланиш ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлигига қарши, бошқаси эса, ҳаётга ёки соғлиққа қарши жиноят бўлса, унинг ҳаракатлари мазкур жиноятлар мажмуини ташкил этади.

ЖКнинг 260, 262, 263, 263<sup>1</sup>, 266, 268, 269-моддалари диспозицияларида назарда тутилган «одамлар ўлими» деганда, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёхуд жиноят қонунида кўрсатилган бошқа қоидалар бузилиши натижасида икки ёки ундан ортиқ одам ўлишини тушуниш лозим.

Мисол учун, фуқаро С. Қудратов 2016 йил 4 июль куни соат 17:00 ларда ўзининг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, Йўл ҳаракати қоидаларининг бир нечта талаблари, яъни йўлларда транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби, келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларига, мавжуд воситалар билан хавф-хатар ҳақида қатнашчиларни огоҳлантириш ва ички ишлар органларига хабар беришига оид қоидаларни кўпол равишда бузиб, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган автомашинага урилиб, йўл-транспорт ҳодисасини содир қилганлиги оқибатида қарама-қарши йўналишдаги автомашина саломида бўлган йўловчи ҳамда «Нексия» автомашинаси саломида бўлган йўловчи вафот этишган.

Бундан ташқари, иккала машина ичида бўлган 6 киши (булар ичида вояга етмаганлар ҳам бор) ўртача ва оғир тан жароҳати олишган.

С. Қудратов ўзининг ушбу ҳаракати билан ЖК 266-моддаси учинчи қисмининг «а), «в) бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

«Ҳалокат» деганда, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, жамоат транспортидаги (автобус, троллейбус, трамвай, йўналишли такси ва шу кабилар) ўнлаб одамлар нобуд бўлиши билан бир қаторда атроф-муҳитга ҳамда одамлар соғлиғи ёки ҳаёти учун тузатиб бўлмас даражада зиён етказган ҳодиса тушунилиши лозим.

«Бошқа оғир оқибатлар» деганда, одамлар ўлими билан бир қаторда поездлар, кемалар ёки самолётлар қатнови узоқ муддатга издан чиқиши, теварак-атрофдаги уй-

лар ва бошқа иншоотлар вайрон қилиниши (портлаши, ёниб кетиши, кулаб тушиши) тушунилиши лозим. Шуни назарда тутиш керакки, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида икки ёки ундан ортик одамга ўртача оғир ва/ёки оғир шикаст етказилганлиги фактининг ўзи қилмишни «бошқа оғир оқибатлар» белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида икки ёки ундан ортик одам жабрланган (бир пайтнинг ўзида баданга оғир шикаст етказилган ва одам ўлими келиб чиққан) ҳолларда, йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахснинг ҳаракатлари ЖК 33-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ЖК 266-моддасининг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

Йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари эҳтиётсизлик оқибатида бузилганлиги сабабли, бир йўла бир неча шахснинг баданига турли даражадаги оғирликда (енгил, ўртача оғир ёки оғир) шикаст етказилган бўлса, айбдор шахс ЖК 266-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Бир хил оқибатлар келтириб чиқарган, ўзаро боғлиқ бўлмаган йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бир нечаси бузилганда, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 266-моддасининг шундай оқибатларни назарда тутувчи тегишли қисми билан (ЖК 33-моддасининг иккинчи қисми қоидага мувофиқ) қамраб олинади.

Ҳайдовчининг йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишида, жумладан, ҳаракатланиш тезлигини оширишдаги айбдорлиги ёки айбсизлиги масаласини ҳал этишда Йўл ҳаракати қоидаларининг XI банди талабларидан келиб чиқиш лозим. Унга кўра, ҳайдовчи транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, хусусан, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда бошқариши керак.

Шу талабдан келиб чиқиб, ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлганда, агар ҳайдовчида буни пайқаш имконияти бўлса, у транспорт воситасини тўхтатиш даражасигача тезликни камайтириш чораларини кўриши керак. ЖКнинг 266-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик, ҳайдовчида йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун техник имконият мавжуд бўлганда ва унинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланган тақдирда келиб чиқади.

Махсус билим талаб қиладиган масалаларни йўл-транспорт ҳодисаси хусусиятларидан (транспорт воситалари ҳаракатланиш тезлиги, ҳайдовчида йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун техник имконият бор-йўқлиги, йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари ҳаракатларининг Йўл ҳаракати қоидалари талабларига мувофиқлиги, транспорт воситалари, улар агрегатлари ва узелларининг техник ҳолати ва шу кабилардан) келиб чиқиб аниқлаш учун суд-автотехника экспертизаси тайинланиши лозим. Йўл-транспорт ҳодисасининг бошқа ҳолатларини аниқлаш учун суд-автотехника экспертизаси ҳал қиладиган масалалар билан бир қаторда суд-

трассология ва бошқа экспертизаларга оид масалаларни қамраб олувчи комплекс экспертизалар тайинланиши мумкин.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда (ажримда) хулоса бериш учун экспертга зарур бўлган, ишда мавжуд материалларга асосланган йўл-транспорт ҳодисасига оид бошланғич маълумотлар кўрсатилиши лозим. Йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатлари тўғрисида ишда бир-бирига зид маълумотлар мавжуд бўлганда, экспертга (экспертларга) бу маълумотларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хулоса бериш топширилади.

Суд-автотехника экспертизаси ваколоти доирасига фақат йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ махсус техник масалаларни ҳал этиш киради. Экспертиза тайинлашда судлар экспертлар олдига ечими суднинг мутлақ ваколотига тааллуқли (масалан, йўл ҳаракати иштирокчисининг айбдорлик даражаси тўғрисида) ҳуқуқий масалаларни кўйишга ҳақли эмаслар.

Йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор ва жабрланувчини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолганлигини била туриб, ёрдамсиз қолдирган ҳайдовчи ЖК 266 ва 117-моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортилиши лозим.

Агар ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор бўлмаса, бироқ жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи унинг иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида хавф остида қолдирилган бўлса, ҳайдовчи томонидан жабрланувчига ёрдам кўрсатишга доир Йўл ҳаракати қоидаларининг 13-бандида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ЖК 117-моддасининг тегишли қисми бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга била туриб ёрдам кўрсатмаслик деганда, транспорт воситаси ҳайдовчиси жабрланувчи ёшлиғи, кексалиғи, касаллиғи ёки ожиз аҳволда бўлганлиги сабабли мустақил равишда тиббий ёрдам сўраш имкониятига эга эмаслигини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф мавжудлигини англаган, бироқ унга зарур ёрдам кўрсатмаган (масалан, ҳайдовчи ҳодиса жойидан яширинган, биринчи тиббий ёрдам кўрсатмаган, тез тиббий ёрдам чақирмаган, жабрланувчини яқин орадаги даволаш муассасасига олиб бормаган ва шу каби) ҳоллар тушунилиши лозим.

Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган жабрланувчига била туриб ёрдам кўрсатмаслик мотивлари, шунингдек ҳайдовчининг бошқа шахслар томонидан ёрдам кўрсатилиши мумкинлиги ҳақидаги вазжлари айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишга таъсир этмайди.

**А. ҲОМИДОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Зафаробод туман суди раиси

## *ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ*

**М**амлакатимизда экологик назоратни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан бир қаторда фуқаролик жамиятининг муҳим субъекти бўлган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки алоҳида аҳамиятга эга.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратни амалга оширишдаги иштироки улар ижтимоий-сиёсий роли ва нуфузининг ошиши, бажарадиган вазифа ва ваколатлар доирасининг кенгайиб бориши билан янада долзарблик касб этмоқда. Мазкур органларнинг иштироки, ҳуқуқий асосларини янада кучайтириш масаласи фуқаролик жамияти мавқеи ва ролининг экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнларида янада ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларининг ижтимоий аҳамияти «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан янада кучайди.

Мамлакатимиз ва хорижда ҳуқуқшунос олимлар томонидан экологик назорат бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Жумладан, профессор Ю. Жўраев «экологик назорат» тушунчасига куйидаги таърифни берган: «Экологик назорат – корхона, муассаса, ташкилотлар, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва фуқаролар томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича талабларга риоя этилишини текшириш, атроф табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва мониторингини юритиш, экологик экспертиза ўтказиш, шунингдек ушбу соҳада бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат».<sup>1</sup>

Шунингдек, профессор Ш. Файзиев фикрича, экология назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларининг барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади.<sup>2</sup>

Б. Калонов давлат экологик назоратининг амалга оширилишига бағишланган тадқиқотида умумий ва махсус ваколатли давлат органларининг вазифа ва ваколатларини ўрганган. Унинг таъкидлашича, давлат экология назорати органлари амалга ошириши ло-



зим бўлган айрим ваколатларни бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари: жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликнинг бошқа шаклларидаги ташкилотлар амалга оширомоқда.<sup>3</sup>

Профессор Ж. Холмўминов эса, хорижий давлатлардаги экологик назорат тушунчасини ёритиб берган.<sup>4</sup>

«Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, экологик назорат деганда, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизими тушунилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратини амалга оширишда иштирок этиши ҳам ҳуқуқий асосларга эга.

Жумладан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига кўра, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш экологик назоратнинг асосий вазифаларидан биридир.

«Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида эса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратни амалга ошириш субъекти эканлиги белгиланиб, уларнинг бу соҳадаги қонуний ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратни амалга ошириш тажрибаси чет давлатларда ҳам ривожланган. Хусусан, Россия Федерацияси экологик қонунларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг (Россияда бизникига ўхшаган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари эмас) атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида иштирок этиши ваколати белгилаб қўйилган.

Хитойда атроф муҳит муҳофазаси устидан назоратни амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш тизими қисман иштирок этиши ва уни ривожлантириш лозимлиги адабиётларда ёритилган.<sup>5</sup>

Экологик назоратни амалга оширишдаги жамоатчилик фаолияти асосан иштирок этиш шаклида бўлади.

Бизнингча, иштирок этиш деганда, жисмоний ёки юридик шахсларнинг давлат ва жамиятнинг турли соҳаларида муайян даражада қатнашиши тушунилади.

Шу нуқтаи назардан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратни амалга оширишда иштирок этиши мазкур органларнинг табиатни кузатиш, тегишли ҳудудда юзага келадиган экологик муаммоларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, экологик муаммолар келиб чиқишининг олдини олишда қатнашишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик на-

зоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Шунингдек, «Экологик назорат тўғрисида» ги Қонуннинг 15-моддаси талабларига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратда иштирок этиши куйидагиларда намоён бўлади:

- экология масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда;

- тегишли ҳудудда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда;

- экологиянинг ифлосланиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб боришда;

- экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда;

- экологик назоратни амалга оширишда ўз вакилининг кузатувчи сифатида иштирок этиши тўғрисида таклифлар киритишда;

- экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида хабардор қилишда ва тегишли чоралар кўриш тўғрисида давлат органларига таклифлар киритишда

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратни амалга оширишда иштирок этиш ваколатининг ҳуқуқий асослари, иштирок этишнинг тушунчаси, экологик назорат, жамоатчилик экологик назорати, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган экологик назорат тушунчасининг моҳияти ва шакллари ўз ифодасини топган.

**Таянч сўз ва иборалар:** экологик назорат, жамоатчилик экологик назорати, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик назорати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган экологик назоратда иштирок этиш шакллари.

\* \* \*

В этой статье описываются правовые основы полномочий участия органов самоуправления граждан при осуществлении экологического контроля, понятия участия, экологического контроля, общественного экологического контроля, понятия и формы экологического контроля органами самоуправления граждан.

**Опорные слова и выражения:** экологический контроль, общественный экологический контроль, общественный экологический контроль органов самоуправления граждан, формы участия в экологическом контроле, осуществляемом органами самоуправления граждан.

\* \* \*

The article describes the legal basis of participation credentials of self-government organs on implementing of ecological expertise of society, of conception participation ecological supervision, ecological supervision of society, the essences and forms of the conception of ecological supervise control providing by the self-government organs of citizens.

**Key words:** Ecological control, social ecological control, implementing of ecological control of self-government organs, the conception of ecological supervise control providing by the self-government organs of citizens

ҳамда бу ҳолатни баргараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қилиш ва ахборот олишда;

- табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир жамоатчилик фикрини ўрганишда;

- табиатни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда;

- атроф муҳитни муҳофаза қилишда экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишда.

Жамоат экологик назоратининг иштирок этиш функцияси табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини таъминлашда намоён бўлади.<sup>6</sup>

Демак, бундай иштирок этишни қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

«Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратни амалга оширишда иштирок этиши улар томонидан тегишли ҳудудда ўз ваколатлари доирасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг талаблари жисмоний ва юридик шахслар томонидан бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишда қатнашиш, атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш, мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш (экологик экспертиза қилиш), табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида иштирок этишига оид жамоатчилик асосидаги чора-тадбирлар тизимидир».

Бу ваколатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қандай амалга оширилади?

«Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, жамоатчилик экологик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

2015 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги ва «Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисида»ги намунавий низомларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари экологик назоратни амалга оширувчи субъект эканлиги, жамоат экологик назорати объектлари, экологик назоратнинг вазифалари кабилар белгилаб қўйилган. Хусусан, «Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги намунавий низомнинг 7-бандида жамоат экологик назоратининг қуйидаги объектлари белгиланган: ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси; атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар; атроф муҳитнинг ифлосланишига ва табиий ресурслардан ноқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назорат турининг субъекти сифатида фуқаролик жамияти институтла-

рига, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига кенг имкониятлар яратилиши, биринчидан, улар давлатнинг экологик сиёсатида фаол иштирок этишини, иккинчидан, экологияга оид қонунлар амалиётга тўлиқ жорий этилишига, экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.<sup>7</sup>

Аммо, шунини айтиш ўринлики, табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказилган текширишларда текшириш ўтказилган жойдаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этмаган ёхуд улар бу жараёнга жалб қилинмаган. Бу эса, қонунларимизнинг амалдаги ижроси етарлича таъминланмаётганлигини кўрсатади.

Ваҳоланки, «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, экологик назоратни ўтказувчи субъектлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш фаолияти амалга ошириляётганда, экологик қонун ҳужжатларининг тегишли ҳудуддаги ижроси ўрганиляётганда ёки амал қилиниши текшириляётганда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки таъминланиши керак.

Бинобарин, экологик қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг амал қилиши учун қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назоратни амалга оширишда иштирок этишининг самарадорлигини ошириш, уни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларни қўлайлаштириш ва амалий натижаларга эришиш муҳим истиқболли вазифалардан бири ҳисобланади.

**Ж. СУВАНКУЛОВ,**

**ЎзМУ мустақил изланувчиси**

<sup>1</sup> Жураев Ю.А. *Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук.* – М.: 1996. – С.50.

<sup>2</sup> Файзиев Ш.Х. *Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Дис.... докт. юрид. наук.* – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – С.348.

<sup>3</sup> Калонов Б.Х. *Ўзбекистон Республикасида давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. Юридик фанлар номзоди. дисс. ... Автореферати.* -Т. 2004 йил. — 10-б.

<sup>4</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Холмўминов Ж.Т. *Экологик назорат: хорижий давлатлар тажрибасида.* // «Ҳуқуқ ва бурч», №11, 2013 й. —52—55-б.

<sup>5</sup> *Institutional Innovation for Environmental Protection in the Context of Ecological Civilization. CCICED (China Council for International Cooperation on Environment and Development) Task Force Report.* // CCICED 2014 Annual General Meeting 2014.12.1-3. 27 p. <http://www.cciced.net/encciced/policyresearch/report/201504/P020150413496847477125.pdf>

<sup>6</sup> Утегенов О. *Жамоат экологик назорати.* // Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси, №1, 2016 й. — 43—44-б.

<sup>7</sup> Ў.Ҳамроев. *Экологик назорат: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда.* «Ҳуқуқ ва бурч». №1. 2016 йил. —48—49-б.

**АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ!..**

Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Ашраф, Абдурахмон Жомий каби хамсанавислардан колган анъанага кўра, Алишер Навоий «Хамса»сидаги беш дostonдан биринчиси бўлмиш «Ҳайрат ул-аброр» ҳам маънавий-ахлоқий масалаларнинг бадиий талқинига бағишланган. Адолат мавзуси ана шу маънавий-ахлоқий масалаларнинг энг асосийларидан бири ҳисобланади.

Дoston асосий мағзини 20 та мақолат ташкил этади. Ҳар бирида қуйидагича биттадан муҳим маънавий-ахлоқий масала ўртага қўйилиб, шоирона-донишмандона муҳокама қилинади: иймон, ислом, султонлар, сохта ва ҳақиқий шайхлар, карам (саховат), адаб, қаноат, вафо, ишқ, ростлик (тўғрилиқ), илм ва жаҳл (билимсизлик), қалам ва аҳли қалам, саҳобдек нафърасонлар (булутдек фойда келтирувчилар), афлок ҳайъати шикоят, жаҳл майининг дурдқашлари ва май жаҳлнинг сархушлари, худнамолик (худбинлик) ва фидойилиқ, йигитлик ва қариллик, фалак ғамхонаси хусусида, Хуросон мамлақати ва Ҳирот шаҳри таърифи, ул мақсуд адоси ва Султон Бадиуззамон мадҳи.

Бу йигирма мақолатнинг ҳар бирдан кейин ҳикоят келтирилади. Ҳикоятлар мақолатдаги «назарий» фикр-мулоҳаза, таҳлил-хулосаларга ҳаётий далил вазифасини ўтайди.

Султонлар бобидаги учинчи мақолатга мана бундай насрий сарлавҳа қўйилган: «Салотин бобидаким, «Инналлоҳа яъмуру би-л-адли ва-л-эҳсон» амри ила Ҳақ субҳонаху ва таоло хусравлик худин аларнинг хилофати бошига қўйдиким, адолатлари «айн»ининг чашмайи зулоли мулк бўстонин сероб қилғай, то бу бўстондин амният ва фароғат гуллари очилғай ва алар зулм боғида май ичиб, гул сочарлар, балки майдин ҳар дам ўзгача гул очарлар» (маъноси: «Султонлар ҳақидаки, энг юксак ва мақтовларга сазовор Тангри таоло «Инналлоҳа яъмуру би-л-адли ва-л-эҳсон» ҳукми билан уларнинг ҳукмдорлик бошига подшоҳлик дубулғасини шунинг учун кийдирдики, уларнинг адолатлари кўзининг чашмасидаги зилол сув мамлакат боғини қондирсин, токи бу боғда тинчлик ва фароғат гуллари очилсин, чунки улар зулм боғида май ичиб, гул сочганида эса у майдан ҳар лаҳза ўзгача гулларни қулф урдириб очдиради»).

Бу ердаги: «Инналлоҳа яъмуру би-л-адли ва-л-эҳсон» жумлалари Куръоннинг «Наҳл» сурасидаги 90-оятдан келтирилади. Маъноси: «Албатта, Аллоҳ адолатга ва эзгу ишларга... буюради» (Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур).

Кўриниб турибдики, бу ерда адолат султонлар ҳақидаги мақолатнинг ўзак масаласи қилиб қўйилган. Чунки ҳукмдорлар фаолиятига баҳо беришнинг бирламчи мезони – ана шу адолат.

Боб тўғридан-тўғри ҳукмдорга мурожаат тарзида бошланади ва охиригача буюқ шоир ва мутафаккирнинг унга айтар сўзи, яъни насихати каби давом этади. Албатта, бу кўрсатмалар айнан нималардан иборат эканини билиб олиш учун асарнинг ўзини ўқиш керак. Бу ерда фақат адолат билан бевосита боғлиқ байтларнигина кўриб ўтамиз.

**Тенглик ва адолат**

Шоир адолат масаласини шоҳ олдига энг муҳим масала янглиғ қўяр экан, аввало,

ҳар қандай ҳукмдорнинг ўзи бир банда эканидан, жамиятда ҳамманинг тенглигидан келиб чиқади:

*Бил муниким, сен доғи бир бандасен,  
Кўпрагидин ожизу афгандасен.*

*...Борча жавоҳир била аъзода тенг,  
Сурати навъию ҳаюлода тенг.*

Модомики, шундай эканми: «Ҳукм ихтиёри – менда-ку!» – деб ўйлаб, адолатсиз иш тутма, чунки охират кунда золим ҳам, мазлум ҳам бирдай сўроқ қилинади. Ўшанда тесқари ҳолат юз бериб, сендан ноҳақ жабр кўрган мазлумнинг мартабаси сендан баланд бўлиб қолмасин, тагин:

*Ким не кишиким, сенга маҳкум эрур,  
Зулмунга бечорау мазлум эрур,*

*Гарчики, йўқ шавкату сармоясини,  
Сендин эрур ортуқ анинг поясини.*

*Негаки чун ҳашир кунини Зулжалол  
Золиму мазлумни айлар савол.*

*Анга эваздур, санга шармандалиқ,  
Анга бийиклик, санга афгандалиқ.*

Замона ҳукмдорларини бундай тарзда қатъий адолатпарварликка чорлаш Навоийнинггина кўлидан келар эди.

Яратган Эгам сени султонликка лойиқ кўрибдими, энди адолатсизлик қилма, бу йўлингдан ўз вақтида қайт, бўлмаса, ахволинг вой бўлади, дейди шоир:

*Ҳақ сени адл этгали султон этиб,  
Зулм ила сен халқни вайрон этиб,  
...Неча бу беҳудлуқ ила йилу ой,  
Вой, агар келмасанг ўзунга, вой!*

Боб хулосага яқинлашгани сари шоирнинг ҳукмдорни адолатга чорлаши кучайгандан-кучайиб бораверади.

### **Куч – адолатда!**

Султони Соҳибқирон Амир Темурнинг Тошкент шаҳридаги 1993 йили қад ростлаган маҳобатли ҳайкали шоҳсупасига ул зотнинг энг севган шиори ўзбек, рус, инглиз



тилларида зарб этилган. Бу шиор улуғ жаҳонгирнинг хос қиличида ҳам, узугидаги муҳрида ҳам айнан форсийда – «Ростий – рустий» тарзида битилган эди...

Хўш, Соҳибқирон Амир Темур шу қадар улуғлаган бу шиор замирида қандай маъно яширин?

Бугун айна у шиор «Куч – адолатда» деган маънони англатиши кўпчиликка маълум.

«Ростий» сўзи тўғрилиқ, адолат деган тушунчаларни англатади. «Рустий» эса кучлилик, қувват, мустаҳкамлик маъноларида ишлатилади. Форсий луғатларда унинг роҳат, фароғат маънолари ҳам қайд этиладики, бундан шиорда: «Адолатли бўлсангиз, роҳат-фароғатда яшайсиз», деган мазмун ҳам пинҳон экани ойдинлашади.

Шартли равишда айтиш мумкинки, Амир Темур буюк бир салтанатни барпо этган бўлса, Алишер Навоий ана шу салтанатнинг ўзига хос назарийгчиси янглиғ тарих саҳнасида намоён бўлган эди. Темур фаолияти асосида ётган «Ростий – рустий» шиори Навоий яратган назариянинг ҳам ўзаги бўлиши табиий эди. Аслида ҳам шундай.

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг юқорида қисман кўриб ўтилган султонлар ҳақидаги бобида шоир подшоҳ қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги қарашларини бевосита маслаҳат тарзида баён айлашга ҳам журъат этади.

Шу бобнинг Амир Темур билан боғлиқ икки нозик нуқтаси бор.

Биринчиси шуки, шоир шоҳнинг бошига Сулаймонга ўхшаб Хумой қуши соя солиши, унинг қўлини Жамшид каби жом ўпишини гапира туриб, бирдан ҳукмдор узугига фалак «Ростий – рустий» шиорини нақшлаганини эсга олади:

*Ҳотами адлингга сипеҳри баланд,  
«Ростиву рустий(й)» била нақибанд.*

Демак, шоир подшоҳларни адолат бобида Амир Темур ақидасига амал қилиб, одиллик билан ҳукм юритишга ундаяпти. Унинг талабига кўра, адолат билан амр қилиш – подшоҳнинг туғроси, яъни буйруқларнинг тепасига битиб қўйилиши шарт бўлган нарса:

*Хутбайи жоҳинг қадар иншо қилиб,  
«Яъмуру би-л-адл» ила туғро қилиб.*

Бу – Амир Темур билан боғлиқ иккинчи жиҳат. «Баланд мартабанг хутбасини эса у «Адолат билан амрингни юргиз!» – деб ёзган.

Адолатнинг биринчи талаби – зулм қилмаслик:

*Шукр қилиб, айламанг уштулум,  
Деб ўзиким: «Лаазиданнакум».*

Маъноси: «Агар сен шукр қилиб, зулм қилманг, Ўзи (Қуръонда): «Албатта, неъматингизни орттираман!» – деган».

Амир Темур шиорининг навоиёна шарҳи шу билангина тугаб қўя қолмайди. Шоир ижодининг ўзига хос дастурномаси бўлмиш «Ҳайрат ул-аброр»нинг 40-боби, яъни ўнинчи мақолатида ростлик масаласи алоҳида мавзу қилиб қўйилади. Буниси – энди

фақат шоҳларга эмас, бутун инсониятга тегишли панд-насиҳат. Бирок, тўғрилиқнинг нақадар азиз фазилат эканини тушунтириш учун ҳам шоир яна адолатли подшоҳ тимсолига айланиб кетган Сулаймон пайғамбар (а. с.)нинг ҳукмронлик даврини ёдга олади. Чунки, айнан ана шу тўғрилиқ, адолатлилик учун ҳам халқ бу раҳнамо пайғамбар (а. с.)га эргашган эди. Бу буюк адолатпешанинг узугидаги муҳрда ҳам «Ростий – рустий» деб битилган эди-да:

*Лек Сулаймонга нечукким замон,  
Хотам ила ҳукм этиб эрди равон.*

*Анга доғи гардиши чархи барин  
Салтанат ичра бериб андоқ нигин,*

*Ул нимаким, ҳар киши хонлиқ топиб,  
Ҳукм анинг бирла равонлиқ топиб.*

*Хатдин ўлуб анда доғи бу шараф,  
Хатти бўлуб гавҳар-у, хотам – садаф.*

*Турфа буқим, хаттин анинг рўзгор  
«Ростий – рустий» этиб ошкор.*

Бу байтлардаги тасвирлардан шундай маъно англашилаёптики, Амир Темургача, ислом оламида Сулаймон пайғамбар (а. с.)нинг машҳур узугидаги муҳрда «Ростий – рустий» шиори ёзилган эди, деган ақида мавжуд бўлган. Султони Соҳибқирон бу шиорни танлашда ана шу ақидага суянган бўлиши керак.

Ҳар ҳолда, Навоийнинг Амир Темур шиорини икки бор махсус шарҳлаши ҳам унинг адолатни қанчалар улуғлаганидан далолат беради.

Шулардан ҳам маълум бўладики, Алишер Навоий асарларида Амир Темурни адолат тимсоли сифатида ҳурматлайди.

#### **Ал-ҳосил**

Темурийлар даври юртимиз ва халқимизнинг жаҳон саҳнасига қўқрак кериб чиққан даври эди. Халқимиз айнан шу даврда жаҳон тамаддуни равнақиға энг катта ҳисса қўшди. Айнан шу замонда элимиздан дунёга машҳур не-не буюк зотлар етишиб чиқди. Навоийнинг ўзини олинг!

Буюк бобокалонимизнинг Амир Темур ва Ҳусайн Бойқарони адолат тимсоли сифатида тасвирлаши ҳам тарихий ҳақиқатга айнан мос эди. Адолатли ҳукм юритилгани учун ҳам темурийлар даврида ана шундай буюк таракқиёт юз берди.

**С. ОЛИМОВ,**  
филология фанлари номзоди,  
«Нақшбандия» журнали бош муҳаррири

## ЯХШИЛИК

Бу дунёда яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам айнан нималигини Захириддин Муҳаммад Бобурчалик обдон туйган зот кам топилса керак. Чунки, ҳаёт унга ўта мураккаб тақдир йўлини раво қўрган эди. Ахир, унинг 12 ёшида отадан етим қолгани учун тахтга ўтириб, мамлакатни бошқариши, сўнг эса Ватанни босқинчилар ҳужумидан ҳимоя қилиши, уч марта улуғ бобоси Соҳибқирон Амир Темур пойтахт қилган Самарқандни эгаллаб, ҳар гал уни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлиши, аввал ҳозирги Афғонистон, ундан кейин эса Ҳиндистонда давлат тузишига тўғри келган.

Айнан шунинг учун ҳам Бобурнинг шеърлари бевосита унинг юрак-бағридан отилиб чиққан. Бу мисраларни у хилват жойга кириб олиб, илҳом кутиб, шоир сифатида шуҳрат қозониш илинжида қоғоз қоралаб ўтириб ёзмаган. Улар ҳаётни тўғридан-тўғри акс эттиргани, жамиятда учраб турадиган фазилат ва иллатларнинг ўз номи билан аталиши, аксар ҳис-туйғу, хулоса ва ҳукмлари шахсий тажрибаларига суяниши жиҳатидан ўз давригача бўлган ўзбек шеърляти намуналаридан кескин ажралиб туради.

Бу фикрни исботлаш учун узоққа бориб ўтиришга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Чунки, бунга шоирнинг биргина «Яхшилиғ» радифи билан тугалланадиган ғазали ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Бу ғазални ҳасби ҳол асар деса бўлади. Ҳасби ҳол деганда, бевосита муаллифнинг таржимаи холи, бошидан ўтказганлари билан боғлиқ асар тушунилади.

«Бобурнома»да муаллиф Фон юртининг подшосини қарам ва саховат кўрсатиш, садоқат билан хизмат қилиш ҳамда одамгарчиликда ном қозонганини айтиб, унинг бу борадаги айрим ишларини тилга олади: «Фон малики қарам ва саховат ва хизматкорлик ва инсоният била машҳур ва маъруф эди. Султон Масъуд мирзо, Султон Ҳусайн мирзо Ҳисор устига келганда иниси Бойсункур мирзоға, Самарқандға юбу йўл била бориб эди, Фон малики етмиш-сексон от пешкаш қилди. Ўзга хизматкорликларни ҳам ушбу йўсунлик қилди»<sup>1</sup>.

Аммо, бу саховатли подшоҳ Бобурга келганда тўнани тесқари қияди: «Манга бир фурудок (пастроқ, пачоқроқ – М. Ҳ.) от йибориб, ўзи ҳам келмади. Бизга етганда саховат билан машҳур бўлгон эл ҳасис бўлур, мурувват била мазкур бўлгон элнинг муруввати унутулур. Хусравшоҳким, саховат ва қарам била маъруф ва машҳур эди, Бадиъуззамон мирзоға не навъ хизматкорликлар қилғони мазкур бўлди, яна Боқи тархонға ва ўзга бекларга асру кўп инсоният (одамгарчилик – М. Ҳ.) ва бахшишлар (совғалар – М. Ҳ.) кўрсатти, икки навбат анинг вилоятидин убуригимиз вокиъ бўлди, бизнинг абнойи жинсимиз (насабимиз, сулолаимиз, темурийлар – М. Ҳ.) демайки, адно (паст даражадаги – М. Ҳ.) навқаримизга қилгон инсониятни бизга қилмади, балки навақримизча бизни кўзга илмади.

Б а й т:

*Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?*

*Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ» .*

Матлаъ, яъни биринчи байтнинг ўзида шундай кучли мантиқ борки, гўёки унда ғазалнинг бош хулосаси айтиб қўя қолинган:

*Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг?  
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиг.<sup>2</sup>*

Шоир кўнгилга мурожаат қилиб: «Жаҳон аҳлидан, яъни одамлардан ким яхшилик кўрибди?» – дейди. Бу – риторик савол. Жавоби ичида: «Жаҳон аҳлидан ҳеч ким яхшилик кўргани йўқ!» Бу гапдан кейин: «Мадомики, жаҳон аҳлидан ҳеч ким яхшилик кўрмаган бўлса, эй, кўнгил, сен ҳеч кимдан яхшилик кутиб ўтирма!» – деган мантиқий хулоса келиб чиқади.

Ўртачароқ бир шоир иккинчи мисрада шу гапни айтиб қўя қолиши ҳам мумкин эди. Аммо, Бобур шунчаки шоир эмас-ку! Таъсирчанликни ҳадди аълосига етказиб: «Шундай одам бўлсаки, дунёда ундан яхши киши топилмаса, ҳатто, ана ўшандан ҳам яхшилик кутма!» Бу ерда кучли матниқ бор: ахир, ўша энг яхши одам ҳам жаҳон аҳлидан бири-да.

Байтдаги яна бир ифодавий ўзига хосликни кўздан қочирмаслигимиз керак. Алишер Навоийнинг машҳур рубойларидан бири шундай жаранглайди:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Рубойда келган «умр» сўзини ҳозирги маънодаги «умр», яъни «бирор инсоннинг яшаган даври» деб эмас, балки «ҳаёт» деб тушуниш керак. Лирик қаҳрамон ана шу азиз ҳаётни жондан ҳам, сондан (яъни ҳаддан ташқари кўп бўлган нарсадан) ҳам кўпроқ севишини айта туриб, агар бирор нарсани севиш ундан ортиқ бўлмаса, ана ўшандан ҳам сени кўп севаман, дейди.

Бобурнинг ҳозир келтирганимиз байтида лисоний жиҳатдан шунга ўхшаш ифода қўлланган. Навоийнинг «агар бирор нарсани севиш ундан ортиқ бўлмаса...» деган оҳорий (оригинал) ифодаси билан Бобурнинг «шундай одам бўлсаки, дунёда ундан яхши киши топилмаса...» деган ифодаси ўртасидаги вобасталик, аниқроғи, ўзаро таъсир шундоққина кўриниб турибди.

Бобурнинг мазкур байтида яхшилик ер билан яқсон қилинди: мутлақо йўқ нарсага умид боғлашдан не маъни чиқади?!

Лирик қаҳрамон шундай қатъий хулосасини илгари сурганидан хижолат чекаётибди, албатта. Шунинг учун кейинги байтда энди ўзининг кўнглига эмас, «рафиқ», яъни ўртоқ ёки дўстга мурожаат қилиб, унга узрини, аниқроғи, нега бундай деганининг сабабини айтади:

*Бу замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,  
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиг.*

Мазмуни – тушунарли: «Бу замонни қораласам, рад этсам, эй ўртоқ, мени айбла-ма, чунки, ахир, бу замондан ҳеч бир яхшилик кўрмаган бўлсам, нима қилай?»

Ана шу байтдаги лирик қахрамон тимсолида Бобурнинг ўзини кўрамиз. 1498 йили 15 ёшли юрт ҳукмдори учун киндик қони тўкилган Андижонидан айрилиш, 1370 йилдан буён, яъни 128 йил мобайнида улуғ бобоси Соҳибқирон Амир Темурдан мерос бўлиб келаётган тахтни бой бериш қанчалар оғир эканини бир тасаввурга келтирайлик. Муаллифнинг шахсий ҳаёти замон ҳақида шундай қатъий хулоса қилиш учун тўла асос бўлар эди.

Бундай мураккаб жараёнларда кишининг дўст-ёрлари ҳам садоқат қилмаслиги, улардан ҳам кўп ёмонликлар кўриш мумкин:

*Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглума,  
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиг.*

Мазмуни: «Менинг маҳзун кўнглимга дилраболардан (яъни дилтортар кишилардан ҳам) ёмонликлар келди, жонимга эса ороми жонимдан ҳам яхшилик келмади».

Кейинги байт шу фикрларга бевосита боғланади. Лирик қахрамон яна кўнгилга муурожаатга ўтади:

*Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиг асру кўп,  
Эмди кўз тутмоқ не маъни ҳар ямондин яхшилиг?!*

Мазмуни: «Эй кўнгил, модомики, яхшилардан шунчалар ёмонликлар кўрган бўлсанг, энди ҳар бир ёмон кишидан яхшилик кутишингда не маъни бор?!»

Таъбир жоиз бўлса, шеърнинг биринчи қисми шу ерда тугайди. Кўриб ўтганимиздек, бу тўрт байт бошдан-охир лирик қахрамоннинг норозилик кайфиятини ифодалашга бағишланган.

Бу фикрларни илмий ифода билан «тезис» деб айтсак, кейинги, яъни мактаъдан олдинги байтда шоир энди шунча асослаб-исботлаб келган мантиқий фикрларига тамоман зид ғояни илгари суради. Илм тилида бу «антитезис» дейилади. Одамлар («аҳли жаҳон»)дан, энг яхши киши («кимки ондин яхши йўқ»)дан, замондан, яқин («дилрабо»)ларидан бирон-бир яхшилик кўрмаган, ҳар ёмондан яхшилик кутиш бе-маънилиқ деб, лирик қахрамон мантиқ юзасидан ўқувчиларни яхшилик қилишдан кайтариши лозим эди.

Аммо, кейинги байтда биз гўёки кутган ана шу «мантик»қа мутлақо зид ғоя илгари сурилади:

*Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ, –  
Ким дегайлар даҳр аро: «Қолди фалондин яхшилиг».*

Мазмуни: «Бори элга, яъни ҳаммага яхшилик қилгинки, дунёда бундан яхши иш йўқ, ана шунда дунё аро: «Фалон кишидан яхшилик қолди», — дейишади».

Ғазалнинг олдинги байтлари мазмунидан келиб чиқилса, нисбатан қутилмагандек туюладиган, одатда, мактаъдан олдин, баъзан эса мактаъдан иккита олдин келадиган бундай кўшмисралар «беғона байт» дейилади.



Жаҳон адабиётида инсонпарварлик (гуманизм) ғоялари тарғиби ва талқини ҳақида жилд-жилд китоблар битилган. Бироқ, бу ғазалдаги инсонпарварликнинг мақоми – жуда баланд. Ахир, Ер юзида яхшилик анқонинг уруғи, ҳеч кимдан ҳеч қандай яхшилик кўрмадим, деб турган бир маҳалида лирик қаҳрамон яна ҳаммани барчага яхшилик қилишга, бу ўткинчи дунёда яхши ном қолдиришга даъват этаётибди-ку.

Аччиқ ҳақиқат мантиғи шуки, яхшилик қилмай туриб яхши ном қозониб бўлмайди!

Ғазалнинг мақтаъси (охирги байти) одатда хулоса вазифасини ўтайди. Ўқувчини яхшилик қилишга даъват этиб турган лирик қаҳрамон яна кўнгли билан «сўзлашиш»га ўтади:

*Яхшилик аҳли жаҳондан истама Бобур киби, –  
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик?*

Мазмуни: «Эй кўнгил, сен Бобур каби аҳли жаҳондан яхшилик истама, ахир, аҳли жаҳондан ким яхшилик кўрибдики, сен кўрсанг!»

Эътибор берган бўлсангиз, матлаънинг биринчи мисраси, яъни ғазалнинг илк сатри мақтаънинг иккинчи мисраси, яъни ғазалнинг сўнги сатрида айнан такрорланади. Яъни, ғазал қандай мисра билан бошланган бўлса, шундай мисра билан тугалланади. Мумтоз адабиётшунослигимизда бундай усул «радд ул-матлаъ санъати» дейилади.

Мақтаъда лирик қаҳрамон биз, шартли равишда, «биринчи қисм» деб атаган дастлабки тўрт байтда баён этилган фикрларига ҳамоҳанг хулосани илгари суради. Бошқача айтганда, аҳли жаҳондан яхшилик кутмай туриб ҳам, бу дунёда одамлардан ҳеч ким яхшилик кўрмагани аниқ бўлса-да, барибир яхшилик қил, деган ғоя тарғиби яна кучайтиради.

Бу ғазални раҳматли хонандамиз Маъмуржон Тўхтасинов ҳадди аълосига етказиб ижро этган эди. Шу ашула кўп қисмли «Бобур» видеофильмининг эпиграфи янглиғ ҳар қисмда янграйди. Шу тарика у телеасарнинг бош лейтмотивига айлантирилган.

Бу ғазал – макон ва замон занжирларидан тамоман холи асар. Уни хоҳлаган маҳал, Ер юзининг исталган ерида, ҳатто, қайси тилда ўқисангиз ҳам, кўнглингизда яшашга иштиёқ, эзгуликка интиқлик сезасиз.

Бобурнинг лирик қаҳрамони, аслида, ўз кўнглига мурожаат қилаётган эди. Амалда эса ғазал жозибаси билан сизнинг кўнглингизни ҳам банд айлаганини билмай қоласиз.

Бу ғазал – шуниси билан буюк.

У, ҳеч шубҳасиз, жаҳон лирикасининг бебаҳо дурдоналаридан бири ҳисобланади.

**М. ҲОШИМОВ,**  
филология фанлари номзоди

<sup>1</sup>Заҳриддин Муҳаммад Б о б у р. Бобурнома. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. —78-б.

<sup>2</sup>Ўша асар, —78 – 79-б.



**1. Ўзбошимчалик билан қурилган иморат аниқланган тақдирда ушбу иморатни қурган шахсга иморатни ихтиёрий равишда бузиб ташлашга қанча муддат берилади?**

*Савол ва жавоб*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 7 ва 8-бандларига мувофиқ ҳар бир ваколатли органнинг ҳудудий органи ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ўзининг Чора-тадбирлар режасига мувофиқ ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни мустақил равишда ёки бошқа органлар билан биргаликда аниқлаб боради.

Мазкур Низомнинг 5-бандида ваколатли органлар ҳар йили ўзларининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши, шунингдек Чора-тадбирлар режаларининг ишлаб чиқилиши ва уларнинг ижросини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тегишлилиги бўйича мувофиқлаштириши белгиланган.

Ваколатли орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда:

иморатни қуриш учун ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида қурилганлигини аниқлайди;

ўзбошимчалик билан қурилган иморат аниқланган тақдирда ушбу иморатни қурган шахсга мазкур қурилишнинг ноқонунийлиги ва унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида батафсил тушунтиришлар беради ҳамда иморатни ўн беш кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисида далолатнома тузади.

**2. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ихтиёрий бузиб ташлаш тўғрисидаги далолатномада нималар кўрсатилади?**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандига асосан ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ихтиёрий бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисидаги далолатномада қуйидагилар акс эттирилади:

ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлашда иштирок этган ваколатли орган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили лавозими, фамилия ва исми-шарифи ҳамда иморат қурган шахснинг номи (юримдик шахс бўлганда) ёки фамилия ва исми-шарифи (жисмоний шахс бўлганда);

ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг аниқ манзили, қурилиш мақсади ҳамда қурилишнинг ҳолати ва ҳажми;

ўзбошимчалик билан иморатни қурган шахс томонидан уни ўн беш кунлик муд-

датда ихтиёрий равишда бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисида кўрсатма.

### **3. Давлат ресурсларидан бугдой чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун қандай тартибда сотилади?**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат ресурсларидан бугдойни чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3 ва 4-бандларига биноан давлат ресурсларидан бугдой чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун биржа савдолари орқали сотилади.

Сотувчилар – «Ўздонмахсулот» АЖнинг бугдойни биржа савдоларига қўядиган ва сотадиган ҳудудий ташкилотлари давлат ресурсларидан бугдой тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун ушбу Низомга мувофиқ сотилишини таъминлайдилар.

### **4. Чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари озуқа мақсадлари учун давлат ресурсларидан уларга мўлжалланган бугдойни қандай шартларга мувофиқ харид қиладилар?**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат ресурсларидан бугдойни чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 5 ва 6-бандларига кўра, ушбу Низомга мувофиқ чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари озуқа мақсадлари учун давлат ресурсларидан уларга мўлжалланган бугдойни харидорларнинг тасдиқланган реестрига биноан, уларнинг чорвачилик ҳамда балиқчилик маҳсулотларини Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-наво мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш республика комиссияси томонидан тасдиқланган ҳажмлар ва нархларда сотиши шarti билан харид қиладилар.

Давлат ресурсларидан бугдой чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига озуқа мақсадлари учун ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича сотилади.

**Олий суд катта консультанти  
С. АСҚАРОВ тайёрлади**